

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 80-81 (6920-6921)
1998 йил 13 октябрь, сешанба

Сотувда эркин
нархда

9 октябрь куни тонг сахарда эзиб ёмғир ёғаётган эди. Тонг ёришиб, чинорларнинг учлари куринадиган даражада ёруклик тушгач, лайлакқор бошланди. Одатда, лайлакқор бошланса, қор тиниши керак. Қишда шунақа булади. Лекин, ҳозир ҳақиқий куз энди бошлангани учунми, пешин бўлиб қолса ҳамки, лайлакқор тинадиган аҳволда эмас, буралаб ёғяпти. Чинорларнинг ҳали япроғини тукиб улгурмаган шохлари эгилиб қолди, ерни ҳам ошпоқ қор қоплади.

Дурмондаги Езувчилар боғида ижодий ишларини ниҳоясига етказган қўқонлик шоир Ҳабибулла Саид Гани енгил машинада Қамчиқ довоғидан ошиб, Фарғона водийсига утиб кетса булармикан, деб уйланиб қолди. Каминадан маслаҳат суради. «Ярим қулоч булгандир, довоғ ошиб утишга кийналасиз», дедим. «Куйликдаги кира-

ТОШКЕНТДА ҚОР ЁҒДИ

кашлардан довоғдаги аҳволни сурштириб кураман», деб Ҳабибулла ака оиласи билан Отчопарга жунади. У киши кетгандан кейин қор янада кучайди. Бундай пайтда ҳатто Тошкент кучаларида юриш ҳам мушкул. Ишқилиб, шоир биродаримиз бор таваккал!» деб довоғга йул олмасинлар-да, довоғда йул қурилиши ҳали поенига етмаган, хийла кийналиб қолишлари турган гап.

Камина ҳам қишқи мавсумга ҳозирлик курмаганман. Боз устига, ун кун аввал Шимолий Қозоғистонга тижорат ишлари билан жунаб кетаётган Муқимжон акамизга ичи жун курткамни кийдириб юборгандим. «У томонлар совуқ булади, эси бор киши куйлакчан боралдими!» дегандим. Энди узимизда ҳам эси бор киши

куйлакчан юролмади утирибди. Майли, уч-турт кун «Қорақалпоқ достони»га тикилиб, муқим утирадиган бўлдим. Аслида, мен эмас, Муқим акам бир жойда муқим утириши лозим. Ахир, қўқонлик машҳур шоир Муқимий ҳам то умрининг охиригача узининг жонажон шаҳарида муқим утирган-ку! Уни довоғ ошиб Тошкентга келганини эшитмаганман. Ишқилиб, таҳаллусни бекорга танламаган. Биз булсак, учқур замонда яшаймиз, шекилли, ҳатто уз исмиимизни ҳурмат қилмай қуйдик. Эҳ, Муқим акам-эй...

Мана, энди қор кечиб «Тонг юлдузи»га боришим керак. Бормасам булмайди, курмасам булмайди. Ахир, қўқонлик иккита муқим мақола бор. Бу мақолаларни янги сонда водил-

лик жияним ЗИЛОЛА уқийди, хоразмлик ақтигим Насибаю Вилоят уқийди. Хуллас, бу ёғи Боғдоду Водил булса, у ёғи Боготу Нукус! Ҳамма жойда тоғасининг мақоласи «Тонг юлдузи»да чоп этилишини маҳтал бўлиб кутиб юрган қорақўларим бор. Боз устига, обуна мавсуми қизгин паллага энди қадам қуйди. Беш-унта обуначини қўқондан чиқармаслик учун ҳам ваъдага вафо қилмоқ лозим.

Ишқилиб, жиянларим қишга тайермикан? Еки улар ҳам тоғасига ухшаб кийим-кечакларини бировга кийдириб юборишганимикан? Балки, тозалаб, таъмирлаб бериш учун «Майший уйга топширишгандир?»

Пахтакорга қийин бўлди. Шиликорга қийин бўлди. Ҳосилнинг асосий қисми ҳали далала турибди. Уларга ердан бериш керак. Эртагаёқ Хоразм томонларга отлансаммикан еки Фарғона томонларга кетсамми?..

Тошкентда қор ёғди. Тинимсиз ёғяпти. Деразамдан ташқарига

муралайман: ҳали-бери тинадиган чоғи йук. Лекин, мен «Тонг юлдузи»га кетадиган мақолаларни уз вақтида элиб беришим керак. Ҳартугул, йигирма чақирим масофага бориб-келишга эриниб утирсам, уят булади. Ахир, «Тонг юлдузи», одатлагидек, сешанба куни минг-минглаб уқувчилар хузурга кечикмай етиб бориши лозим. Минг-минглаб масофа йул юриши керак. Йул юрса ҳам мул юриши керак... Ва муроди мақсади етмоғи керак.

Қанийди, мен ҳам тезроқ муроди мақсадимга етсаму кейин дунёнинг ташвишларини унутиб, «Муъжизалар майдони»ни мириқиб томоша қилсам!

Ана, қарс этиб чинорнинг битта шохи синдию шувв этиб қор тукилди. Воҳ, бу бошланиши, ишқилиб, охири бахайр булсин!

Кенжа БОТИР.

РАСМЛАРДА ВАТАН ТАРИХИ


Биз «Чўлпон» нашриёти томонидан Ўзбекистоннинг тарихидан лавҳалар берилган «Расмларда ватан тарихи» китобини ўқитувчимиз Гулнора опанинг тавсиялари билан дўкондан сотиб олдик.

1996 йилда нашрдан чиққан бу китобда айниқса, рангли бўёқлар ва расмлар ҳар қандай ўқувчини ҳам диққатини тортади. Ўз халқи ва ўтмишини билмаган авлод бугунги ва эртанги кун ворисиман, — дейиши қийин бўлса керак. Китоб ҳаммаша билимдонлик сари етаклаган бўлса, ўтмиш бизнинг халқимизга ҳурмат, мардлик ва жасурликка, эл-юртга содиқ фарзанд бўлишга чақиради.

Эрамиздан аввалги VI-VII асрлардан бошлаб, XIV асрларгача бўлган урушлар ҳақида сўзлаб берувчи бу китобда мард ва жасоратли инсонлар ҳақидаги ҳикояларни ўқиб, оз бўлса-да тарихимиздан, тарихий воқеалардан огоҳ бўлдик.

Бизга шундай расмли китобларни қизиқарли қилиб чиқараётган нашриёт ходимларига ва китоб муаллифларига миннатдорчилик билдириб, яна биз ўқувчиларга кўпроқ шундай китоблар тақдим этишларини истаимиз.

Хуршида
БОЙМИРЗАЕВА
Тошкент шаҳридаги
248-мактабнинг
5 «А»-синф ўқувчиси.



Отамдан қолган далалар



Тахминан, минг йилча бурун Бухоро аркининг қурилиши ҳақида галати афсона пайдо булган. Эмишки, бу обида осмондаги етти қароқчи юлдузлари шаклида еттита тош устига қурилган эмиш... Истанбул, Рим, Киев қаби шаҳарлар ҳам еттита тепалик устига жойлашган дейишди. Ҳатто Тошкент «етти қизу етти ур устига» қурилганмиш... 7 рақами халқ наздида аниқ математик миқдорни эмас, балки кўпликни, мукамалликни англатади. Бизнинг узи бир булса-да купларга татиғулик мукамал боболаримиз бор. Булар: Абу Райҳон Беруний, Ал-Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Ал-Фарғоний, Жалолоддин

КАМАЛАКНИНГ ЕТТИ ЖИЛОСИ

Мангуберди, Муҳаммад Ризо Огаҳий... Уларнинг номлари, қилган ишларидек, қолдирган улмас меросларидек ардоғимизда, диққат-эътиборимизда. ЮНЕСКО ҳамжамияти ватандошимиз Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Фарғонийнинг инсоният тарихида тугган урни ва салоҳиятини чуқур англади ва муносиб баҳо бериб, 1998 йилда буюк аллома таваллудининг 1200 йиллигини кенг нишонлашга қарор қилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1997 йил, 27 ноябрь куни мазкур санани кенг нишонлашга қарор қилди. Бундай оламшумул воқеадан Сиз болалар ҳам бефарқ қолмаслигиниз, буюк боболаримиз ал-Фарғоний, Ал-Бухорий, Жалолоддин Мангуберди ва Огаҳий ҳаёти ва фаолиятига оид битикларингиз, шеър ва ҳикоя, афсона-ривоятларингиз билан газетамиз саҳифаларида қатнашингиз керак. Чунки биз улуг зот, номлари зикр этилган алломаларнинг ворисларимиз. Ворислик — уларнинг меросини асраб-авайлаш ва бирига унни қушиш демакдир.

Муҳаммад Ризо Огаҳий

1809 йили Хоразмнинг Хива шаҳри яқинидаги Қиёт қишлоғида туғилган. Дастлаб деҳқончилик қилган, сунг ҳарбий хизматда булган. 1829 йилда мироблик вазифасини адо этиб келган шоир Мунис вафотидан кейин бу мартаба унинг жияни-Огаҳийга юклатилган. Халқ орасида булган, халқ тилидан сузлаган

шоир халқни яхшилик сари етаклаган Огаҳий умрининг сунгги йилларини уз қишлоғида утказди ва 1874 йили вафот этди.

Бу ғазални ёд олинг

Ошиқ ўлдинг, эй кўнгул,
жонинг керакмасму санга,
Ўтга кирдинг жисми урёнинг
керакмасму санга?
Истабон ул юз тамошосини
кўздин дам-бадам
Қон тўқарсан, чашми
гирёнинг керакмасму санга.
Ҳар дам этгунг орзу кофир кўзи
наззорасин,
Қил ҳазарким, нақди
имонинг керакмасму санга.

Лутфинг этдинг хаста
кўнглимдин дариг,
эй шоҳи ҳусни,
Бу гадоий зору ҳайронинг
керакмасму санга.

Ўзгаларга илтифотинг
айладинг махсус, бу
Мустаҳқиқи лутфу иҳсонинг
керакмасму санга.

Сели гамдин хонавайрон
ўлдиму ёд этмадинг,
Айтким, бу хонавайронинг
керакмасму санга.

Огаҳий ҳолин кўриб дойим
тагофил қилгайсен,
Шоирни дойои давронинг
керакмасму санга.

ДАСТАВВАЛ, ТАРЖИМАИ ҲОЛ...

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги Саъдулла Исмаилов номидаги 141-урта мактабимиз «Хуқуқ» даҳасининг 1-оқлон маҳалласига жойлашган.

Мактабнинг эски ва янги бинолари булиб, ҳар иккала-си ҳам уч қаватлидир.

1998/99 ўқув йилида мактабда 796та ўқувчилар таҳсил олиб, унда жами 29та синф мавжуд. Муаллимларимизнинг сони эса 59та. Биз ўқийдиган фан кабинетлари 36та. Кутубхонамизда биз фойдаланадиган, мириқиб ўқийдиган турли дарслик, адабиётлар бор, десак лоф эмас. Кутубхоначимиз Марғуба опа Туроповага бу борада «гап йўқ!» Уларнинг яна шундай одатлари борки, мактабимизга қандай ранжида қилган ҳар бир меҳмондан: ёзувчиси, шоирми, актёрми ёки бошқа мутахассисми... албатта, биз учун дастхат ёзириб оладилар. Улар қолдирган имзолар китобу гулгоҳлар кутубхонада қаторлашиб турибди...

Энди сал нарироққа юриб, кенг, ёруғ, иштахани қитиқловчи ошхонамизга ташриф буюришимиз мумкин. Бу жой 120та одам бараварига тамадди қилса буладиган...

Қоринни яхшилаб туқлаб олгач эса, дарсдан сунг мазза қилиб спорт залида футбол, баскетбол, теннис ва яна бошқа... умуман, хоҳлаганча уйнашимиз мумкин. «Спорт устамиз» бўлиши Клара опамизнинг ҳам ғайратлари бизникидан қолишмайди. Ва яна бу залимизнинг ҳам бағри кенг — 192 кв.м...

Бу энди шунчаки ташқи таништирув, келинг, энди ичкарига утайлик... Ис, вой кечирасиз, ахир, аввал, албатта, директоримизга кўриниб қўйишимиз керак-ку. Ана уларнинг хоналари, 1-қаватда... Котибадан сурайлик-чи... Бормидилар... Ҳа, дарсга чиқиб кетдиларми?! Ҳа-я, Абдумалик ака Ҳожиназаров мусиқа ўқитувчиси-ку... узи улар купам «директорман» деб кабинетда утиришни хўшламайдилар... Чикаверайлик-чи, юқоридан топамиз...

«ХУҚУҚ» МАРКАЗИМИЗГА МАРҲАМАТИ

1996/97 ўқув йилларида хуқуқшунослик бўйича ҳуқуқлаштирилган синф ташкил қилинди. Бу синфни очтишда Тошкент Давлат юридик коллежи билан шартнома имзолашиб, умумий ҳамкорлик йўллари излаб топилди. Ҳар шанба кунда биз 9—синф ўқувчилари хуқуқшунослик коллежга бориб, ўқиб келамиз. Кўпчилик ака-опаларимиз мактабни тугаллаб, шу коллеж, юридик институти толиблари ҳам булиб олишди.

Ўқиш жараёнида ўқитувчимиз Ҳалима опа Охунова бошчиликларида амалга оширган ишларимиз талайгина.

«Сиз қонунни биласизми?» номли курик-конкурсларга қатнашиб, туманда биринчиликни, шаҳарда эса фахрли иккинчи уринни эгалладик. Шу билан бир қаторда яқиндагина «Акс-сало» курсатувида ҳам баҳс юритдик.

Кўни-кеча, утган «Қонун йулидан» деб номланган туман миқёсидаги талбирда ҳам залимизга одам тулиб кетди. «Адолат» ва «Қалқон» гуруҳларига булиниб қилган мусобақамиз ҳаяжони ҳамон босилгани йўқ, десак лоф эмас! Унда жиноятчилик, гиёҳвандлик ва чекишнинг оқибатлари ҳақида узимиз ижод қилиб саҳналаштирган кўринишларимиздан сунг, туманнинг барча мактабларидан келган хуқуқ фани муаллимларининг илиқ фикрларини эши-

БИЛИМ МАСКАНИМ — ТАЛПИНГАН МАКОНИМ

тиб бирам мазза қилдик-ки...

Ҳа, яна бир янгилик, шу ўқув йилидан оқ, ҳуқуқшуносликка қизиқувчилар билан алоҳида иш олиб бориладиган «Хуқуқ» маркази ташкил бўлди. Юқорида айтганим, коллеж домлалари бунга жалб қилинган. Хуқуқингизни янаям чуқур билмоқчимисиз, марҳамат аъзо булишимиз мумкин.

Марказ фаоллари:
Камола Маҳамдалиева,
Умид Бадалов, Жалол
Муҳамедов, 9-синф
ўқувчилари
КОМПЬЮТЕР
САБОҚЛАРИДА...

Мактабимиздаги энг гавжум фан кабинети қайси, десангиз, бошқаларни билмадим-у, мен компьютерлар жойлашган синф деб айтардим. Чунки куннинг иккинчи ярмида ҳам бу хонада ўқитувчимиз Клара опа Каримова биз билан тугарак машғулотларини олиб борадилар.

Утган ва бу йилларида физика, математика фанига ихтисослашган яна бир синф очилди. Бу синфни очтишда академия қошидаги электроника институти билан шартнома имзоланди.

Ҳозирги замон талабларидан бўлиши компьютер техникасини ишлатиш бўйича бизга зарур билимларни ургатаётган Клара опамиз, академиядан келиб ўқитадиган Асат ака Каримов деган домламизга шундай ҳавасимиз келади-ки... Шу домламиз-чи ҳатто таътил пайтларида ҳам уларни ишлайдиган электроника институтига бизни олиб бориб амалий машғулотлар утганлар.

Информатика ва ҳисоблаш техникасини яхши узлаштириш жараёнида, 1998 йил май ойида компьютер «ШОУ» конкурсини утказдик. Даставвал биз бу талбирни саҳна асари билан бошладик. Ал-Хоразмийнинг ҳаёти, ижоди, санок системасига асос солганлиги-ю, унга булган қаршиликларни ролларга булиб ижро қилдик.

Кейинги босқичда эса компьютер тарихи ҳақида, унинг 5та босқичи-ю, турлари хусусида савол ташлаганимизда, залнинг узида қатнашмаган одамнинг узи қолмади-да...

Оила бюджетини аниқ, раво ҳисоблаб чиқиш учун булган босқич ҳам жуда қизгин бўлди.

Компьютерда дастур асосида чизилган энг чиройли чизмаи 4-«В» синф ўқувчиси Мирносир Ҳасанов бошлади-да!

Зулфия Салимова,

6-синф

Алишер Абдурахмонов,

7-синф,

Отабек Мирсодиқов,

9-синф ўқувчиси.

АТРОФ, ТАБИАТ
ҲАММАМИЗГА
ТЕГИШЛИ

Кўпинча катта одамлар биз болалар ҳақида гапирганларида «бола бошидан-да», деган гапни айтадилар. Мактабимизда ҳам шундай. Ана шу «бошидан» фақатгина таълим, билим бериб қолмасдан муаллимларимиз ахлоқли, озода, орасталигимизни ҳам қаттиқ ушлаганлар. Айниқса, биз — бошланғич синфларда ҳафтанинг белгиланган бир кунни умумий тозалик кунни булади. Бунда ҳар бир ўқувчи узининг синфхонаси озодлигига ҳар доимгидан кўпроқ разм солади. Парталарини, дарслардан кейин яхшилаб ювишади, дераза тоқчаларини синф шифтларини чанг-чунг, ислардан тозалашади. Бу ғайрат мактаб ҳовлисига ҳам кўчмай қолмайди, албатта.

Менинг эса уша кундаги сеvimли ишим, гулдувақдаги гуллар тагини юмшатиб, ўғит солиб парвариллаш, шохлаб кетганлари булса, олиб, сувга солиб илдириб оттириб кўпайтираман...

Экология — сийхат-саломатлик бўйича айниқса Комила Тоғасева билан Ёқутхон Абдуваҳобова опамиз олиб бораётган ишлар анчагина. Утган ўқув йилида Шайхонтоҳур туманимиз бўйича утказилган бошланғичлар ургасидаги табиатга боғлиқ курик-танловда 1-уринга эришганимизда мактабимиз 5 минг сўм пул мукофоти билан тақдирланди. Биз, яъни тугарак аъзоларига фахрий ёрликлар берилди.

Яна туман бўйича утган «Она сайёрамиз омон булса бас» номли семинар-кеңаш ҳам мактабимизда эсда қоларли булган.

Мана, яқиндагина кўшни 186-мактабда «Экология ва саломатлик куриги булиб, унда биз тасвирлаган атроф-муҳит, тоғу тошлар манзараси расмлар кўргазмасида юқори баҳо олди. Ва яна Шохида Расулова, Соқижон Каримов, Фарҳод Орипов синфдошларим чиқиндилардан тайерлаган уй-

рузгор буюмлари: чойнак таглиги, ушлайдиган, игна қадайдиган ёстиқча, гулдураҳтларнинг чиройли шакллари кўргазмага кўрк бўлди.

«Жонли бурчак»ка эса 5-синф ўқувчилари Бахтиёр Юсупов, Ёқуб Юнусов, Фаррух Ориповлар боқаетган канарейка, каптар, беданалари билан бордилар...

Вуй, яна-чи... мактабимизнинг «Оқлон» маҳалласи оқсоқоллари билан алоқалари зурлиги шу курикда росаям билинди-ки!

Саҳнада бир кўриниш қўйганимизда ҳаваскор боғбон Туроб ота Муҳамедов бизнинг бобомиз ролида чиқиб, уларни узумшунос булганликлари учун узум навляри, хусусиятларини гапириб ҳамани қойил қолдирдилар!

Баъзан эшитиб қоламан-да. Шу ниҳолларни, гулларни синдириб, пайҳон қилиб кетаётган болалар ҳақида. Шунда роса ҳайрон қоламан. Ахир бу узумизга керак-ку, ҳамма учун-ку! Танафус пайтларида йилнинг қай фасли булмасин, мактабимиз ҳовлисида яйраймиз. Суридаги узумларимиз, урик, олхўри, нок, ҳаммасидан бир шингил-бир шингил бор. Узимиз устираётганимиз учунми озғимизда мазаси бошқача уннайди.

Эҳ, айтаверсам, гапириверсам, умуман мактабимизда ўқиш жуда қизикarli-да...

Мухлиса
ОРИФХУЖАВА,
5-«Б» синф.
МАКТАБИМИЗ
ИЛҲОМ
БЕРАДИ...

Ҳа, юқорида Мухлиса айтганидек, мактабимизнинг табиати, узи одамга бир олам илҳом беради. Бу маскан ҳам узи адабиётчи олим номларида-да!

Мен ҳар кун эрта билан ўқишга келар эканман, маҳалламиз кўчаларидан сафсаф булиб келаётган мактабдошларимни кўриб, завқланиб шу шеърни ёздим:

Дилда қувонч, қалбада иштиёқ,
Мактаб томон келар болалар.
Гўзал мактаб ортидан аста
Ҳавас билан қуёш мўралар.

Бизни кутар очганча қучоқ,
Бағри ёруғ билим маскани.
Жаранглайди шунда кўнғирок,
Жажжиларнинг кулгуси каби...

Бизда «Еш қаламкашлар» адабиёт тугараги булиб, уни она тили ва адабиёт ўқитувчи-

Энг яхши мактаб

миз Ҳакима опа Қосимова бошқариб борадилар. Утган йилларда иқтидорли ўқувчиларнинг анъанавий республика слетида 8-синф ўқувчиси Ҳужаева Саодат туман, шаҳар курикларида шеърый машқлари билан ғолиб булиб, республикада фахрли уринга сазовор бўлди. Туман Халқ таълими бўлими ҳомийлигида чоп этилган «Митти юлдузчалар шўъласи» ижодкор ўқувчилар тўпламида эса узининг бир қанча шеърлари билан юқори урин эгаллади. Бу тугарагимиз аъзоларидан бирининг муваффақиятлари, холос. Яна «Гулхан», «Тонг юлдузи», «Еш куч» газета ва журналларида бир қанча машқларимиз билан иштирок этиб бормоқдамиз.

Мана, узбек тили байрами ҳам яқинлашиб келмоқда. Шу муносабат билан тугарак аъзолари ҳамкорликда «Она тилим — узинг ягона» номли талбир утказдик. Бу биз учун гўе ижодий имтиҳон, ижодий куриқдай бўлди, десак янглишмаймиз. Бунда ҳар би-



римиз узимиз битган шеър, қатралардан ўқиб, кичик-кичик саҳна асарларини узимиз ёзиб, ижро этдик... Залдаги устозлару мактабдошларимиз қарсақларидан бу талбиримиз натижасидан хурсанд булиб қўйдик...

Келинг, кўп эзмаланмай, машқларимизни эътиборингизга ҳавола қила қолайлик.

ТУПРОҚ ИСИ

Тупроқ узра сув сепганимда,
Димоғимга урур ажиб ис.
Тўйиб-тўйиб симирганимда,
Турли исни қила олғум ҳис.

Ерга синган маржон
терларнинг,
Ҳис этаман исини бу дам.
У симирган ёмғир, қорларнинг
Етиштирган ноз-неъматин
ҳам.

Бу тупроқ чун тўкиландир қон,
Бу тупроқда оққан кўзёши.
Балки бунда ётади инсон,
Уфурди нафас олиши.

Яна бунда тўлиқ йўғрилган,
Ердан бир ис димоққа урур.
Одамзотнинг

тупроққа бўлган
Мухаббатин тафти уфурар.

Саодат ХУЖАЕВА

ҚУШҚАНИН

ХУРСАНДЛИГИ

Осмонни булут қоплаб,
Ёмғир қўйди-ку шаррос.
Ёмғир ичра ҳаводан
Яшин чакнар гулдирос.

Чапак чалар бўғотдан
Чугурлаб қуш боласи.
Энди унинг олдидан
Бугун жилмас онаси...

Мадина АЗИЗОВА

Саҳифани жамоатчи
муҳбиримиз Саида
ЗОКИРОВА тайёрлади.



Мактабимизга хориждан ҳам келишади

Яхши китоб ҳар куни ёзилавермайди. Яхши китобни ҳар ким ҳам ёзавермайди.

Ҳар куни уқиладиган яхши китоблар жуда кам. Уша кам деб дустларимиз сафига яқинда «Шарқ» нашриёт-матбаа концернида чоп этилган «**БУНИ УМР ДЕРЛАР...**» номли ажойиб ҳаёт солномаси ҳам қушилди. Китоб муаллифи муҳтарам ношир бобомиз

ИСЛОМ ШОҒУЛОМОВ буладилар.

Ибратли умр солномаси икки булимдан иборат. Биринчи булим «Ҳаётимнинг етмиш лаҳзаси» деб аталади. Етмиш йил умр кўрган муборақ инсон (ахир, Узи нурдан яратиб қўйган мавжудот Ҳақ йулидан адашмай юрган булса, албатта муборақ буладида!) ҳаёт чорраҳаларида дуч келган қувонч ва ташвишлар тўғрисида кўпни кўрган до-нишманд мисол бири-биридан ибратли ҳикоялар сўйлайди. Йўқ, булар ҳикоя эмас, балки рупарамизда утирган бамаъни зотнинг ширали суҳбатини миқ этмасдан, гапларини булмасдан тинглаётгандек буламиз.

Дарвоқе, давримизнинг том маънода алломаси булмиш профессор Гайбуллоҳ Ас-Салом ушбу китобга ёзган «Ота дуоиси» номли сузбошида нозик бир нуқтани англаб, шу нуқтага алоҳида ургу бериб айтадилар: «Асарнинг менга маъқул томонларидан бири, муаллиф бирон марта ҳам бошқа миллат ёки элат кишиларига «мумтоз улуг ўзбекчилик» мавқеидан туриб қарамайди. Унинг учун гуё икки тоифа одамлар бор: яхшилар ва ёмонлар. Яхшилар яхшилик йулида овораю сарсон. Ёмонлар эса бировларга ёмонлик қилишда ҳатто иблисни, жодугарни, юз хил жин-ажина, инс-жинсларни ҳам бир чуқишда қочиради». Китоб мутолааси давомида ҳурматли домламинизни хулосалари нақадар тўғри эканига саҳифама-саҳифа ишонч ҳосил қилиб борамиз.

Купчилик ёшлар, ҳалол одамлар кечаги мустабид тузум исканжасида қандай ишлаганини, қандай яшаганини фақат сирдан билади, холос. Ҳалол инсонларнинг юрагидан кечган изтироблар, уларнинг бошларида синган таёқлар гуё унутилгандек. Жуда қаттиқ назорат остида яшаган, ишлаган элпарвар зотлар узларининг забардаст елкасида нақадар оғир юкни кўтариб юрганини муаллиф ҳаёти мисолида кўриш мумкин. Китобнинг биринчи булими билан танишсангиз, беихтиёр севимли шоиримизнинг машҳур мисраларини сал узгартириб: «Ҳаёт шун-

дай булса, гамнинг узига қандай чидай олган экан одам-зот!» деб юборасиз ҳайратланиб.

Биринчи булимнинг муҳим таълимий ва тарбиявий жиҳатларидан бири шундаки, истеъмождан чиқиб бораётган миллий муносабатлар маданияти, соф миллий қадриятлар, урф-одатлар тўғрисида жонли тасаввурга эга буламиз. Миллий мафкурамизнинг пойдеворига асос

юборган дастури — битиги эди. Шундай, бизни яратган Қудрат эгаси уз Каломидан ташқари, фарзандлар орқали ҳам уз ҳукмларини юборар экан. Буни биров билар, биров билмас экан. Билмаган бандаларига Оллоҳ вақти-соати билан билдириб турар экан».

Бу сўзлар нақадар оғир, нақадар армонли эканини, юракни уртаб, жигар қони билан қогозга

қиламиз. Қулимиз куймагунча, тишимиз синмагунча, пешонамиз тарақлаб деворга тегмагунча, худди ёш боладай пала-партиш у ёқдан-бу ёққа бемақсад узимизни ураверамиз».

Дафъатан мутолаа асносида неварога айтилаётган **ЎЛМАС ҲАҚИҚАТЛАР** мурғак қалбга оғирлик қилмасмикан, унинг кунглини бир оз совутиб қуймасмикан, деб уйлайсан киши. Бирок,

ДАРЁДУЛА ИНСОНИНИНГ УМР КИТОБИ

солинаётган қутлуг кунларда «Буни умр дерлар...» китоби ҳам қадди-қоматини ростлаётган буюк истиқлол иморатига қўйилган чидамли, «тажрибалар хумдони»да пиширилган бир гишт вази-фасини бажариши шубҳасиздир (эсингиздами, муштарий, бир пайтлар академик Гафур Гулом ҳам бошқа бир «иморат» пойида туриб: «Шу улуг бинога бир гишт қўйсақ бас!» деб орзу қилган эди!).

Китобнинг «**НЕВАРАЛА-РИМГА МАКТУБЛАР**» номли икинчи булими айнан «Тонг юлдузи» уқувчиларига атаб ёзилган, десак муболага булмайди.

«Эй, менинг ҳасрат сандигимни очиб юборган тиниб-тинчимас неварам, сенинг отанг, менинг жигарпорам, бош фарзандим Алишер эди. Сен ҳам унинг бош фарзандисан. Шундай дейишимдан мурод — бош фарзанд йул очувчи булар экан. Ҳа, у Оллоҳнинг никоҳ уқитиб эрхотин булган бир ёш оилага

туширилаётганини фақат фарзанд доғи бошига тушган (илойим, ҳеч кимнинг бошига фарзанд доғи тушмасин!) инсонлар теран англайди.

Лекин, начора улим ҳақ, Узи яратган ҳар бир тирик жон яна Узига қайтгусидир. Иншооллоҳ, қиёматда дийдорлашув насиб этажак!

«Бу дунёдаги ҳамма нарса-лар омонат. Сен билан биз куриб турган, куравериб кўзларимиз урганиб қолган жамийки яратиларни айтаман-да. Бундоқ уйлаб қарасанг, инсон зоти ҳаммасидан ҳам омонатроқ кўринади. Ахир, бир бино минг йил савлат тўкиб турганда, битта одам қанча умр кўради? Битта дарахт икки юз, беш юз йил яшаганда-чи? Нафақат инсоннинг умри, унга берилган нон-насибаю бойлик ҳам омонатдир. Фақат биз инсонлар буни уз вақтида англаб етавермаймиз. Яратган Эгам эса буни ҳар дақиқада, ҳар хил ҳолатда бизга эслатиб, кўзимизга курсатиб туради. Биз инсонлар эса, саркашлик

болам, «адангнинг орзуси билан сенинг орзу-уйларинг уртасида осмон билан ерча фарқ бор-да. У менга ухшашни орзу қилган эди. Сени эса эгуллаб турган лавозимимга ҳавасинг келяпти. Одам бирон-бир идорага раҳбар булиш учун уқимаслиги керак. Инсон, аввало, билимдон одам булиши учун уқиши, касб-хунарттириши зарур. Раҳбарлик бир уйнинг томи булса, уқиш, малака ошириш уша томга олиб чиқадиган нарвондир» (265 бет).

Ҳа, аксарият ҳозирги ёшлар бозор иқтисодиёти шароитида дунёни танияпти. Шу боис уларнинг кунглида уйғонаётган илк орзу-ҳаваслар ҳам купинча «ошқозон»га боғлиқ булиб қолаётир. Ваҳоланки, онгли мавжудот булган, мукаррам мавжудот булган **ИНСОН** ер юзидаги бошқа махлуқлардан фарқли улароқ **ЯШАШ** учун еб-ичади, тубан махлуқлар эса **ЕБИЧИШ** учунгина яшайдилар. Бу янги гап эмас, эскилардан қолган гап. Афсуски, эски-

Топиб ўқинг

лардан қолган ҳақиқатларни тоҳида ёшлар унутиб қўядилар ёки бу ҳақда умуман эшитмаган булади. Бизнингча, аччиқ ҳақиқатларни руйрост айтаётган муаллиф бирдан-бир тўғри йўлни танлаган. Зеро, бетга айтганнинг захри йўқ. Тўғри гап оғир ботади, тўғри гапни ҳазм қилиш қийин булади. Аммо, оғир ботган тўғри гапни кутарган, тўғри гапни ҳазм қилган инсонгина камолотга эришади, ҳаётда из қолдирадиган буюк ишларга қодир булади. Акс ҳолда, мурт одам, энгилнинг остидан, оғирнинг устидан утиб юрадиган кўнмисиз кимсалар ҳеч қачон буюк ишларга қўл урмайди, қўл урса ҳам бирорта жиддий ишни охирига етказмайди.

«Буни умр дерлар...» китоби, айниқса, унинг «Невараларимга мактублар» булими фақат хусусий йўналишда ёки мақомда эмас. Уни аниқ бир бобонинг уз неварасига айтаётган панд-насихатлардан иборат деб билмаслик керак. Аслида, муаллиф «қизим сенга айтаман, келиним сен эшит» деган ўзбекона лутф билан барча ўзбек ёшларига мурожаат қиладики, уқувчи ҳар бир гапни худди узига қарата айтилаётгандек қабул қилади. Бу китобни лоқайд кимсалар, келажакка бефарқ кимсалар уқимайди. Чунки, бу китоб уқувчини қарахликдан уйғотади, фаолликка ундайди, фаол уйлашга, фаол яшашга чорлайди. «Обломовчилик» дардига мубтало булган лоқайд, бефарқ кимсалар эса қалб кўзининг очилишини ҳам, фаол уйлашу фаол яшашни ҳам ҳаёлига келтирмайди.

Хулласи калом, «**БУНИ УМР ДЕРЛАР...**» китоби ҳар бир хонадонда доимий уқиладиган асарлар сафида булиши керак. Уни эндигина мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёшлар ҳам, уз умрини сарҳисоб қилаётган кексалар ҳам албатта мутолаа қилиши лозим. Ишончимиз комилки, ҳар бир уқувчи муаллиф тимсолида узига бир ҳамдам, самимий суҳбатдош топади. Муаллиф эса минг-минглаб маслакдош, бегараз ҳамдард топажак! Илло, муаллиф билан уқувчининг ғойибона учрашуви мустаҳкам дўстлик ришталари билан бир умрга боғланиб қолгай!

Бу китобни ёзган инсон ҳам, уни ўқиганлар ҳам соғ-саломат бўлсинлар, қўллари дард кўрмасин!



Вуйй, жуда қизик экан!

Бола БАХШИ

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ ОЛҚИШЛАГАН ШОИР

Абулқосим УТЕПБЕРГЕНОВ

Сақкизлик

«Болалар уйи»ни
бориб бир қара,
Умид не эканин
туясан дилдан.
Улар бола
эмас, кўзмунчоққина,
Тўкилиб, сочилиб
қолгандир йўлда.
Уларнинг ҳар бирин
бағрингга босиб,
Дунёдан бош олиб
кетгинг келади.
Болалик шу бўлса,
хаётдан бешиб,
Бир умр бефарзанд
ўтгинг келади.

Олпилик

«Қошингда ҳасратли
ўйга толаман:
Қачон халқ бўласан, эй,
сен оломон?!»
Деб нолиса Ориф
ўгли Абдулла,
Мен-ку ундан баттар
ўтда ёнаман,
Халқ бўлмас оломон
ичида қолиб,
Юрмам бир умрга оҳ
чекиб, нолиб.
Қорақалпоқчадан ИҚБОЛ
Мирзо таржималари

фис адабиётнинг курки ҳисобланади. Мана шу куркамлик биз ёзаётган асарларга ҳамшиша йулдош бўлишини истардим, — деб тилак билдирадилар.

Чингиз оғанинг олқишига сазовор булган шоир Абулқосим Утепбергенов Қорақалпоғистонда кузга кўринган қаламкашлардан ҳисобланади. «Булоқлар», «Дунё бир ажойиб жойдир», «Сирсандиги очилмаган сирли жаҳон мендадир», «Оллоҳни унутма», «Агар кунглимни хуш этса...» каби китоблари чоп этилган. Сайёр, Қутлибека Раҳимбоева, Иқбол Мирзо таржималарида шоирнинг туркум шеърлари ўзбек вақтли матбуотида эълон қилинган.

Абулқосим оға шеърятидан халқона оҳанг уфуриб туради. У оғзаки ижод намуналарини яхши билади, халқ ҳаётини яхши билади. Халқнинг жонқуяр фарзанди сифатида қалам тебратди. Бундан ташқари, мумтоз адиблар томонидан яратилган нодир адабиёт намуналарини замонамизга олиб киради. Аҳмад Яссавий, Ҳофиз Шерозий, Алишер Навоий, Насимий, Маҳтумқули ғазалларига боғланган мухаммаслар худди шу бугунги кунимиз учун ёзилгандек қизгин таассурот қолдиради.

Шоирнинг қорақалпоқ тилида чоп этилган «Агар кунглимни хуш этса...»

(Нукус, «Қорақалпоғистон» нашриёти, 1997 йил) номли шеърӣй тушлари асосан мухаммаслардан иборат. Китобнинг номи Хожа Ҳофизнинг машҳур ғазалидан олинган мисра билан аталиши ҳам бежиз эмас. Бу мисрани, хусусан, уша ғазалини кунчилик ўқувчилар ёдлаб олишди ва керакли пайтда иши тушган одамга қайта-қайта ифодали ўқиб берадилар. Лекин, ғазалнинг буюк бобомиз Соҳибқирон Амур Темурга боғлиқ булган ажойиб тарихи борлигини ҳамма билавермас керак. Уша тарихни давримизнинг улугъ эзувчиси Чингиз оға Айтматов яқинда ўзбек тилида чоп этилган «Чўққиди қолган овчининг оҳи-зори» (Мухтор Шохонов билан ҳамкорликда яратилган) номли китобида зур эҳтиром билан баён қилиб берадилар.

Мана, уша тарих:

«Чингиз Айтматов. Ёшлик пайтимда буюк саркарда Амир Темур туғрисида битта афсона эшитган эдим. Ҳозир ҳам уша афсона эсимдан чиқмайди.

Буюк ҳукмдор бошқа қутлуг ишлар қаторида Бухоро ва Самарқандда наққошлик санъати ривожланишига алоҳида ғамхўрлик қилади. Унинг даврида қўллаб осмонупар мачитлар, мақбаралар, миноралар бунёд этилади. Аста-секин қўл остидаги улқаларни илм-фан марказига айлантириб юборди. У барпо этган боғ-роғлар, ҳовузли оромгоҳлар туғрисида хорижий мамлакатлардан ташриф буюрган элчилар тулқинланиб хотиралар ёзганлар.

Ҳукмдор туғрисида бир қанча афсоналар мавжуд. Шуллардан бири қуйидагича.

Амир Темур Шарқда машъал булмиш Самарқанд ва Бухоро шаҳрини тубдан қайта қурган даврларда улугъ шоир Ҳофиз Шерозий:

«Агар кунглимни ром этса ушал Шероз жонони,

Туркий холига бахш этгум Самарқанду Бухорони!»

деган инжа мисраларни гузал бир ғазалининг куксига қадаб қўяди.

Амир Темур Эрон юриши пайти Шероз шаҳрида тўхтайдди ва улугъ шоирнинг шу ерда яшаётганини эшитиб:

— Уша шоирни келтиринлар! Қани, жононнинг холига менинг икки жавоҳир шаҳримни инъом этиб юборадиган ҳолатини бир қуриб қуяй-чи! — дейди.

Гуё дарवेशона кезиб юрадиган шоирни чопарлар излаб топа олмайдилар. Лекин, кунларнинг бирида Амир Темур ўз қуналғаси айвонида офтобда исиниб утирса, кучадан Ҳофиз утиб қолади. Қоровуллар дарҳол шоирни тутиб келтирадилар.

— Самарқанд билан Бухорони тортиқ қилиб юборган ошпик сенмисан? — деб сўрайди Темур дағдага аралаш. — Биргина хол учун икки шаҳарни бериб юборибсан-а!

Шунда Хожа Ҳофиз:

— Эй, олампаҳоқ, бир қошиқ қонимдан кечинг! — деб илтижо қилади шоир. — Менинг ҳамма бойлигим эғнимда турибди. Қанақа эканимни узин-



гиз қуриб турибсиз. Камбағалнинг қули очик булади. Турк гузалини кукларга кутариш мақсадида уша икки шаҳарни тортиқ қилиб юборганимни узим ҳам билмай қолдим.

Амир Темур шоирга синчиклаб разм солса, дарҳақиқат, унинг эғнида жулдур чопон, оёғида эса титиғи чиқиб кетган чиптаковуш.

— Ҳа-а, қулинг очик экан! Жуда олижаноб инсон экансан! — деб чин дилдан қулиб юборди ҳукмдор. — Агар мен буюк амир булсам, сен буюк шоирсан. Бундан кейин менинг саройимнинг тури — сеники булсин. Умрингнинг охиригача қаватимда яшайвер; муҳтожлик нималигини билмай, гузал ғазаллар ёзавергин!


Бир оз сукут сақлагач, Амир Темур мулозимларига назар ташлайдию:

— Уз шоирини излаб юрган подшонинг қўл остидаги халқ бахтли булади. Бироқ, уз ҳукмдорини излаб юрган шоирнинг халқи бахтсиздир. Менинг бу сузларим ҳаргиз ёдингизда булсин! — дейди (Чингиз Айтматов, Мухтор Шохонов, «Чўққиди қолган овчининг оҳи-зори», «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни, Тошкент, 1998 й., 239-240 бетлар).

Шундай қилиб, буюк Амир Темур буюк шоир Хожа Ҳофизни олқишлаб, унга тасаннолар айтди.

Замонамизнинг беазир эзувчиси Чингиз Айтматовнинг назари тушган қорақалпоқ шоири Абулқосим Утепбергенов эса ҳозирча Самарқанд билан Бухорони қорақалпоқ элидан каминанага олиб беражак келинчакка «қалин» сифатида тўхфа этишни мулжаллаб турибди... Қалай!

Бола БАХШИ



Бурноғи йили Тошкентда Марказий Осие халқларининг маданияти кунлари булиб ўтган эди. Муҳташам «Туркистон» саройида шеърят оқшоми булиб, унда Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон, Ўзбекистон шоирлари узларининг сараланган шеърларини ўқиб берадилар.

Назм оқшоми адоғида тантанали учрашувни бошқариб утирган атоқли адибимиз Чин-

гиз оға Айтматов мухтасаргина нутқ сўзлайдилар ва:

— Мана, ҳозир биз бир-бирдан гузал шеърларни эшитдик. Адабиётнинг битта муҳлиси сифатида менга Иқбол Мирзо билан Абулқосим Утепбергеновнинг шеърлари жуда маъқул бўлди. Бу шоирларнинг шеърлари ҳозирги замон жаҳон адабиётининг энг юксак талабларига жавоб беради. Фалсафий мушоҳада, самимият на-

Савол

БЎШ ЎТИРМА, БОШ ҚОТИР

Жавоб

Уч ака-ука — Аҳмад, Раҳмат, Самат далада ишлаб, иш ҳақларига бир қоп бугдой олдилар. Бугдойни тақсимлаб олишлари учун уларнинг на тарозиси, на бир идишлари бор эди. Шунинг учун бугдойни чамалаб тақсимламоқчи бўлишди. Уларнинг каттаси Аҳмад бугдойни ўзича тенг учга бўлди-да:


— Биринчи Бугдой уюмини Раҳмат олади, иккинчисини Самат олсин, учинчиси эса меники, — деди.

— Мен норозиман, — деб эътироз билдирди Самат, — менга энг кам бугдой тегаптику!

Ака-укалар тортишиб қолишди. Иш жанжалга бориб етишига сал қолди. Бир уюмдан иккинчисига бугдой солиб, қайтариб қўявериб, ҳеч бир битимга келиша олишмади. Ҳар гал бировининг назарида унинг уюмидаги галла микдори камга ўхшаб кўринаверди.

— Агар Раҳмат билан фақат иккимиз ишлаганимизда, — деб хуноб бўлиб гапирди Аҳмад, — мен бу бугдойни тезда иккига адолатли бўлардим, Раҳмат икки уюмдан истаганини танлаб олишни таклиф этардим. Иккаламиз ҳам бундан мамнун бўлардик. Ҳозир эса нима қилишни билмайман.

Ака-укалар ўйга толишди ва ўйлаб-ўйлаб охири адолатли тақсимотни топишди. Сиз ҳам гошиб кўринг-чи?



Нечта спорт анжومي бор?

Аҳмад укаларига бугдойни қуйидагича тақсимлашни таклиф этди.

— Мен бугдойни ўзимча тенг қилиб уч уюмга ажратаман. Менга уччала уюмдан қайси бири тегса ҳам хафа бўлмайман, чунки ўзим уни тақсимладим. Раҳмат бу уч уюмдан қайси бири кичикроқ бўлса кўрсатсин. Саматнинг назарида ҳам қайси уюмда бугдой камроқ туюлса айтсин ва менга худди шу уюмни беринглар. Қолган бугдойни иккалаларинг мен айтган усул билан бўлиб олишларинг осон. Агар Самат бу уюмдаги бугдой ҳамма бугдойнинг учдан биридан кам эмас деб билса, шу уюмни ўзига ола қолсин. Унда Раҳмат уюмларнинг «ўзича» энг каттасини олади, мен эса қолган учинчи уюмни оламан. Раҳмат ва Саматга акаларинг айтгани маъқул бўлди. Улар акалари айтгандек қилиб бугдойни тақсимлаб олиб, уй-уйларига мамнун бўлиб қайтишди.

ЁШ ИҚТИСОДЧИ

YOSH IQTISODCHI

“Тонг юлдузи”га илова
ИҚТИСОДИЙ газета



Обуна-99

ҲАР БИР ЁШ
ИҚТИСОДЧИНИНГ ЎЗ
“ТОНГ
ЮЛДУЗИ”
БЎЛСИН!



Азиз тендошлар! Сизларга бир сирни айтмайми - кейинги вақтларда сизлардан келаётган мактублар, мақолалар, шеърлару расмларни газетада чиқармай, уларни жовон галадонига солиб яшириб қўйишни ўргандим. Шунақа қилсам яхши бўларкан.

Нега дейсизми? Ахир сиз ёзган асарларни у ёғини созлаб, бу ёғини мослаб газетада чиқаришдан-ку бир олам завқ оламан! Шу кичик хизматим сабаб бўлиб орангиздан истеъдодли шоирлар, синчков мусаввирлар, топқир журналистлар, пухта иқтисодчилар, тадбиркор раҳбарлар, зийрак банкирлару “пишиқ” миллионерлар етишиб чиқишига хисса қўшаётганимдан бошим, осмонда! Лекин...

Лекин энди бу хизматим ўзимга қиммат тушаяпти. Ростини айтсам, айрим дўстларимга ёрдам бераман деб “Тонг юлдузи” таҳририятига, тарихига ёмонлик келтиряяпман. Қанақа ёмонлик ҳақида гап бораётганини кўпчилик сезиб турибди: газетада бирор асари чиққан дўстларимиз келиб ёки мактуб йўллаб “Тонг юлдузи”нинг ўзи чиққан сонидан 1 нусха топиб беришимни илтимос қилишади. Айрим муаллифлар эса “5-10та газета топиб бер, пулини бераман” деб ўтиниб сўрашади. (Уларнинг гапларига ишо-

наман, чунки газетамизни асосан обуна бўлган муштарийлар ола олишади. Негадир газета дўконлари “Тонг юлдузи”га чап кўз билан қарайди. Уни севадиган ўқувчилари кўплигига хануз ишонилмайди).

Мен уларни тушунаман, чунки газетада чиқиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Номии ёки расми чиққан ҳар бир одам учун газетанинг ўша сони - бебаҳо давлат, мўтабар мерос, азиз эсдалик. Уни таниш-билишларига, қариндош-уруғларига кўрсатиб фахрлангиси келади, одам. Шунақа бебаҳо жиҳатларини ўйлаб баъзан газета сўраган ўртоқларнинг илтимосини ерда қўёлмайман. Шу тариқа, таҳририят тарихи учун, унда ишлайдиган журналистлар учун деб “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни берадиган санокли газеталарни тарқатиш юборибман! Билсам, газетамизнинг айрим сонларидан тарих учун тахлама ҳам қолмабди!

“Тонг юлдузи” 50 минтага яқин чиқади-ку, дейсизми? Йил бошида шунақа эди. Лекин кейин билиниб қолди - кўп дўстларимиз фақат йилнинг биринчи ярми учунгина обуна бўлган эканлар... Нима ҳам дердик, ҳамманинг ўз хоҳиши!

Лекин ишонманки, бундай муштарийларимиз ёз ойларидаёқ пушаймон қилиб армонда қолишиди! Уларнинг шуурига “Тонг юлдузи” нур сочмай қўйди. Фақат “Тонг юлдузи” билан

бирга юрадиган “Ёш иқтисодчи” ҳам энди камнамо! Улар таратаётган маънавий-маърифий жавахирлар, ажойибот-ғаройиботлар, янги замонга мос сабоқлару маълумотлар ёш кўнгилларга нур ва сувдек охиста таъсир этиб, тендошларимни камолотга етаклаётган эди.

Мана, йил ҳам охирлаб бораяпти. Энди бу ёғи қандоқ бўларкин? Дўстларимиз ўзининг энг яқин дўсти “Тонг юлдузи” билан 1999 йилда ҳам дўстлигича қолармиканлар? Янги йил учун унга обуна бўлишни унутмадиларми?! Обуна - аслида “Тонг юлдузи” уйлари-рингиза бориши учун унга бир йўл, холос. Газета ҳаражатларини асосан муассисимиз - Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси кўтараяпти. Обуна учун сиз тўлайдиган пул эса тайёр газета босмагонадан қўлингизга етиб бориши учун кетадиган ҳаражатларга кетади.

Халқимизда қуруқ гап қулоққа ёқмас, деган гап бор. Қолаверса, сиз ёш иқтисодчисиз. Мана, оддий ҳисоб-китоб:

Газетамиз ўн олти саҳифадан ойда 4 марта чоп этилмоқда. Шунча ҳажмдаги “Тонг юлдузи” билан “Ёш иқтисодчи”нинг нархи биргаликда атиги 6 сўм туради, пойтахт дўконларида. Бу - ҳеч нарса ёзилмаган оддий қоғоз нархидан ҳам арзон!

Хуллас, азиз дўстлар! Ҳисобини билган ҳам бўлиб қолмас, деганларидай, газетангизга обуна бўлишни унутманг. Янги йилга сизларга ранго-ранг, мазмунли, бир умр асқотадиган маънавий совғалар тайёрлаяпмиз. Улардан баҳраманд бўлай, гафлатда қолмай десангиз обуна бўлишга илоҳинг. Обуна республикамиздаги барча алоқа бўлимларида матбуот тарқатиш уюшмасининг вакиллари томонидан расмийлаштирилмоқда.

«Ёш иқтисодчи».

УШБУ СОНДА:

„ИҚТИСОДИЁТДАН
САБОҚЛАР“
КОНКУРСИ
ДАВОМ ЭТМОҚДА

7-БЕТ

БИР БОР ЭКАН,
БИР ЙЎҚ ЭКАН.
ПУЛ ДЕГАН
БЎЛГАН ЭКАН...

8-БЕТ

Юрганимизда биз ер ёки
полни оёқларимиз билан
итарамиз...

ТАЯНЧ БЎЛМАСА ҲАМ
ҲАРАКАТЛАНИШ
МУМКИНМИ?

9-БЕТ

Тарихий манбаларда қайд
этилишича, араблар Мисрни
641 йилда, халифа Умар
(634-644 йиллар) даврида
забт этганлар.

„НИЛОМЕТР“НИ БУЮК БОБОМИЗ
ТАЪМИРЛАГАНМИ ЁКИ...

10-БЕТ


Савол, албатта, қийин.
Келинг, яхшиси, саволга
жавоб излаб топишни од-
дий нарсадан бошлай
қолайлик.

ЕР ШАРИНИ
НИМА ТУТИБ ТУРАДИ

11-БЕТ

ЙИЛНИ МАЙДОҶАСИ

12-БЕТ



ҲУҚУҚ ВА ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ

ҲУҚУҚ НОРМАСИ НИМА ВА У КИМ ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ?

Ҳуқуқ нормаси - бу ижтимоий ҳатти-ҳаракатлар учун давлат томонидан ўрнатилган умуммажбурий меъёрлар мажмуидир.

* Ижро этиш шартлари;
* муносабатларни тартибга солидиган субъектлар;


* субъектларнинг ўзaro ҳуқуқ ва мажбуриятлари;
* белгиланган мажбуриятни бажармаганлик учун санкция кўрсатилади.

Ҳуқуқ нормалари уларни чиқарадиган органларнинг юридик кучига (қонун, фармон ва бошқалар); тартибга солинадиган объект (давлат, фуқаролик, молия ва бошқалар)га, вақт, жойдаги ҳаракатга қараб классификация қилинади.

Ҳуқуқ нормалари жамиятдаги муносабатларни давлат томонидан тартибга солишнинг муҳим воситаси, ҳуқуқ-тартибот учун юридик базадир, чунки улар демократия тамойилларини аниқ амалга оширишга ёрдам беради.



ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ВАҚТ ВА МАКОН ДОИРАСИДА ҚАНДАЙ АМАЛ ҚИЛАДИ?



Норматив ҳужжатларнинг вақт бўйича амал қилиши умумий қоида бўйича улар кучга кирган пайтдан бошланади. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари улар матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб, ҳукумат қарорлари улар қабул қилинган пайтдан бошлаб кучга киради. Ҳужжатларда уларнинг кучга кириш муддати алоҳида кўрсатилиши ҳам мумкин.

Қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси фуқароларига нисбатан унинг ҳудудида ҳам, ундан ташқарида ҳам амал қилади.

Халқаро ҳамкорликнинг мустақамлаш тамойилига биноан, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган чет элликлар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга меҳнат соҳасида, мулк, оилавий ва бошқа муносабатларда кенг ҳуқуқлар беради. Айтиш мумкин, чет элликлар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар республика қонунларига риоя қилишлари шарт ва уларни бузганлик учун республика фуқаролари билан бир қаторда жавобгар бўладилар.

ҲУҚУҚ НИМА?



Ҳуқуқ - бу давлат томонидан жорий этилган ва кўрикландиган, жамиятда кишиларнинг ўзарo муносабатларини тартибга солидиган, барча фуқаролар учун мажбурий бўлган қонун-қоидалар, нормалар мажмуидир.

Масалан:

- * фуқаролик ҳуқуқи;
- * нафақа олиш ҳуқуқи;
- * меҳнат қилиш ҳуқуқи;
- * сайлов ҳуқуқи.

Бу ҳуқуқлар кишига бирор бир иш - ҳаракат қилиш учун берилган, давлат қонунлари ёки бошқа хил қонун-қарорлар билан мустаҳкамланган, кафолатланган имконият, эрк, ихтиёрни ифода қилади.

Бинобарин, меҳнат қилиш, дам олиш, қариғанда, шунингдек касал бўлганда ва меҳнат қилишнинг йўқотганда моддий таъминот олиш ҳуқуқи барча фуқароларнинг конституцион ҳуқуқлари сифатида мустаҳкамланган.


Ҳуқуқнинг моҳияти Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ва давлатнинг бошқа асосий қонунларида мустаҳкамлаб кўйилган энг муҳим тамойил ва қоидаларда очиб берилган.

ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИ ҚАНДАЙ ҲУЖЖАТЛАРДА ЎЗ ИФОДАСИНИ ТОПАДИ?

Ҳуқуқ нормалари давлат органларининг ва давлат томонидан махсус ваколат берилган айрим жамоат бирлашмалари ва ташкилотларнинг норматив ҳужжатларида ифодаланган. Меъёрий актлар жумасига:

- * қонунлар, ҳуқуқий нормалар;
- * Президент фармонлари;
- * Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;
- * вазирлик ҳамда идора раҳбарларининг буйруқ ва йўриқномалари;
- * маҳаллий ҳокимиятларнинг қарорлари;
- * қасаба уюшмаларининг баъзи қарорлари;
- * жамиятларнинг низомлари ва шу қабила қиради.

Бу меъёрий ҳужжатларда мажбурий аҳамиятга эга бўлган ҳуқуқий нормаларнинг мазмуни баён этилади. Ҳар бир фуқаро, мансабдор шахс, муассаса ёки корхона ходими норматив ҳужжатларга мувофиқ қилиб, ўз ҳуқуқ ва бурчларининг мазмунини аниқлаб олиши, амалда уларнинг талабларига риоя этиши мумкин.



ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ НИМА?

Жамиятда қонуннинг устуворлиги ҳуқуқий маданият билан мустаҳкамланади. Бу фуқаронинг ҳатти-ҳаракатлари муайян бир вақтда унга манфаатли бўлиши ёки бўлмаганидан қатъи назар қонунга тўла риоя этишидир. Бу ҳуқуқий билим ва қонунга асосланган ахлоқийликдир. Зарур умумий ва ҳуқуқий маданиятга эга бўлган инсон уни қонун кўриқлашини билади. У қонун томонидан белгиланган чегаралардан чиқмайди. Ҳуқуқий маданият даражаси фақатгина қонунларни билиш, ҳуқуқий маълумотлардан хабардор бўлишдангина иборат эмас. У қонунларга амал қилиш, уларга бўйсунуш ва уларни ижро этиш маданияти ҳам демакдир.

"... ҳуқуқий маданият савияси қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки ушбу қонунларнинг барча даражаларда ижро этилиши билан белгиланади" - деб ёзган Президентимиз И.Каримов.

Қонунларни ҳаётга тўла татбиқ қилиш учун унга итоат этмоқ лозим. Қонунга итоат этиш юксак маданият мезонидир. Шарқ халқлари ана шундай маданиятга эга бўлганлар. Барчамиз бу маданиятни шарқона демократия тушунчалари асосида тиклашга ҳаракат қилмоғимиз зарур. Айтмиш, бозор муносабатларини шакллантириш шароитида ҳуқуқий маданиятни ошириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

БОЗОРНИ ҲУҚУҚЛАР МАЖМУАСИ ДЕЙИШАДИ. ШУ ТЎҒРИМИ?

Ҳа, бозор - бу ҳуқуқлар мажмуасидир. Бу мажмуа тўртта субъект ҳуқуқларида ўз ифодасини топади:

- * давлат ҳуқуқи;
- * фуқаролар ҳуқуқи;
- * ишлаб чиқарувчилар ҳуқуқи;
- * истеъмолчилар ҳуқуқи.

Давлат ҳуқуқи - бу даромад олиш ва уни ўз зиммасига юкланган вазифалар учун сарфлашдан иборат. Бу ҳуқуқлар қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органлари томонидан мувофиқлаштирилади.

Фуқаролар ҳуқуқи фуқаролик кодексида ўз аксини топган. Ушбу

кодекс ўз ҳажми (1199 моддадан иборат) ҳамда фуқаролик муносабатларини қамраб олиш жиҳатдан муҳим, йирик ҳужжатдир. У бозор шароитида мулкдорлар ўртасидаги муносабатларни ҳам белгилаб беради:

- * шартнома тузиш;
- * ижара олиш;
- * олди-сотди қилиш;
- * сугурта қилиш;
- * воситачилик ҳуқуқи;
- * халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини фуқаролик муносабатларига қўллаш масалалари кодексида атрофлича ва кенг ёритилган.

Шартноманинг аънавий турла-

ридан ташқари:

- * корхоналарни сотиш ва ижарага олиш;
- * молиявий ижара (лизинг);
- * пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечишни молиялаштириш;
- * комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг);
- * мол-мулкни ишончли бошқариш;
- * доимий ва умрбод рента каби илгари юзага келиши мумкин бўлмаган янги турлари кодекси даражасида биринчи марта тартибга солинди.

Ишлаб чиқарувчилар ҳуқуқи - қайси маҳсулотни қайси бир таркибда ишлаб чиқариш, қайси нархни қўйиш, кимлар билан ҳўжалик муносабатларига киришиш каби ҳуқуқлар мажмуасидан

ташқил топади.

Истеъмолчининг ҳуқуқи - ишлаб чиқарувчиларни танлаш ва ўзи истаган сифатли товарларни харид қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бешинчи сессиясида (26.04.96) қабул қилинган "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонун энг аввало инсофсиз ҳамда қаллоб ишлаб чиқарувчилар ва сотувчилар йўлига кучли тўсик бўлиши билан аҳамиятлидир.





МАКТУБЛАРИНГИЗНИ
 ҚУЙДАГИ МАНЗИЛГА
 ЮБОРИШИНГИЗ МУМКИН:
 700029. Тошкент шаҳри,
 Мустақиллик майдони,
 2-уй, 402-хона.
 (Музаффар ПИРМАТОВга)

ИҚТИСОДИЁТДАН САБОҚЛАР

Янги ўқув йилидан бошланган 5-7 - синф ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган "Иқтисодиётдан сабоқлар" сиртқи мактаби конкурси давом этмоқда.

Конкурс "Ёш иқтисодчи" илова газетаси ва конкурс лойиҳаси муаллифлари, фан номзодлари **Эрғашвой САРИҚОВ** ва **Баҳодир ХАЙДАРОВ**лар билан ҳамкорликда уюштирилмоқда.

Конкурс бутун ўқув йили давомида олиб борилади. Газетамизнинг ҳар бир сонидан конкурс топшириқлари ва топшириқларни бажаришингиз учун зарур бўладиган назарий материаллар бериб борилади. Сиз ўз навбатида топшириқ варақаларини тўлдириб, тахририятга юборишингиз лозим. Агар газетамизга обуна бўлмаган бўлсангиз, ҳозирча мактаб кутубхонасидан газетани топиб, қўлда ёки ксероксда кўчириб олиб, топшириқ варақасини тўлдириб, бизга йўллашингиз мумкин. Оралқ яқунлар ҳар ойда эълон

қилиб борилади. 3-4 та газетада берилган топшириқларни тўплаб, 1 та хатжилда юборишингиз ҳам мумкин.

Танловда қатнашаётган ўқувчилар газетамизнинг сентябрдан апрелгача бўлган сонларида берилаётган ҳамма топшириқларга жавоб йўллаши зарур. Акс ҳолда, тўплайдиган умумий балли оз бўлиб қолиши мумкин.

Конкурс ташкилотчилари ва ҳомийлар томонидан қуйидаги мукофотлар таъсис этилган:

- 1-ўринни эгаллаган ўқувчига - телевизор;
- 2-ўринни эгаллаган ўқувчига - стерео магнитофон;
- фаол қатнашган 10 та ўқувчига - аудио-плеер

Конкурснинг якуний босқичи Тошкент шаҳрида 1999 йилнинг апрель ойида ўтказилади.

6 - ДАРС

6. ИҚТИСОДИЁТНИНГ АСОСИЙ МУАММОСИ

Олдинги параграфда ресурсларнинг чегараланганлиги ҳақида айтиб ўтган эдик. Ҳўш, унда ресурслар инсон эҳтиёжларини тўла қондиришига етадими?

Йўқ, албатта. Чунки инсоният эҳтиёжларининг поёни йўқ, ресурслар эса, ҳозиргина таъкидлаганимиздек, чегараланган.

Инсон эҳтиёжларининг поёни йўқлиги билан ресурсларнинг чегараланганлиги ўртасидаги номуносиблик (зиддият) иқтисодиётнинг асосий муаммоси ҳисобланади.

Бу муаммони тўла-тўқис ечишнинг имкони йўқ, албатта. Бундай шароитда, эҳтиёжларни тўла-тўқис қондириб бўлмаслиги сабабли, одамлар эҳтиёжлари орасидан энг муҳимларини ажратиш, танлашлари, қўл остиларидаги ресурсларни эса тежаб-тергашлари, бир сўз билан айтганда оқилона хўжалик юритиб, иқтисод қилишлари керак бўлади.

Айтишлик, сизнинг 100 сўм пулингиз бор. Унга дўкондан иккита музқаймоқ ёки битта шоколадли тухум, ёки унта хўрозқанд ёки йигирмата сақич сотиб олишингиз мумкин. Имкони бўлгандаку, бу нарсаларнинг ҳаммасини ва яна аллақанча нарсаларни сотиб олган бўлар эдингиз-у, лекин начора сизда фақат 100 сўмгина пул бор. Буларнинг ҳаммасини бирданига сотиб ололмайсиз (эътибор беринг, бу нарсаларга бўлган эҳтиёжларингиз кўпу, лекин ресурсларингиз - яъни пулингиз кам, чегараланган). Нима қилиш керак?

Танлаш керак! Бирортасини танлаб, қолганларидан воз кечишига тўғри келади. Ҳар ким ўзича бу муаммони ҳар хил ҳал қилади.


Фараз қилайлик, сиз шоколадли тухумни сотиб олдингиз, чунки сизнингча шоколадли тухумнинг шоколадини еб ичидаги ўйинчоқни ўйнаш мумкин. Бу қарорга келишдан олдин, сиз ўзингиз билмаган ҳолда, ўз хоҳиш, истагингиз, эҳтиёжларингиз билан ҳисоблашингиз, ҳар хил вариантларни ўйлаб кўрдингиз, бир-бирига таққосладингиз, танладингиз ва маъқул ечимга келдингиз.

Шоколадли тухумни танлаш, сотиб олиш билан бирга, қолган нарсаларни сотиб олишдан маҳрум бўлдингиз. 50 сўмга битта музқаймоқ олиб, 50 сўмни тежаб қолганингизда яхши бўлмасмиди?

Ресурсларнинг танқислиги туфайли қандай қилиб тўғри ва маъқул йўлни танлаш инсоният олдида ҳар доим катта муаммо бўлиб келган. Бу саволларга ҳар ким ўз эҳтиёжлари ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ўзича жавоб топади.

Бу муаммо билан одамлар қадимдан таниш бўлганлар ва уни ҳал қилиш йўл-йўриқларини излаганлар. Юнонистонда икки минг йил олдин "Экономикос", (ўзбек тилидаги таржимаси "уй хўжалигини юритиш санъати") деб номланган иқтисодиётга оид биринчи китоб дунёга келган. Ҳозирда дунё бўйича кенг тарқалган "экономика" (ўзбек тилида "иқтисодиёт") сўзи шу китоб номидан келиб чиққан.

Инсониятнинг чекланган ресурслардан фойдаланиб, поёнсиз эҳтиёжларини тўлароқ қондиришига қаратилган, оқилона хўжалик юритиш йўл-йўриқларини иқтисодиёт назарияси фани ўргатади.




6 - ТОПШИРИҚ

6. ИҚТИСОДИЁТНИНГ АСОСИЙ МУАММОСИ

1. Иқтисодиёт бу...
 А. эҳтиёжлар йиғиндиси
 В. ишлаб чиқариш жараёни
 С. истеъмол қилиш жараёни
 Д. хўжалик юритиш тизими
 Е. ресурсларни сарфлаш жараёни

2. Иқтисодиётнинг асосий муаммоси - бу,
 Жавоб _____

3. Берилган ҳарф бирикмаларида, янги ўрганган атама сўзлар ҳосил қилинг.



1. _____
 2. _____

4. Бўш жойга қандай сўз ёзиш мумкинлигини аниқланг ва ёзинг.



6. "Экономикос" сўзининг луғавий маъноси нимадан иборат?
 Жавоб _____

7. Иқтисодиёт назарияси фани...

- А. эҳтиёжларни
- В. ресурсларни
- С. маҳсулотларни яратишни
- Д. маҳсулотларни истеъмол қилишни
- Е. оқилона хўжалик юритиш йўл-йўриқларини ўргатади.

8. Ўзингизда пишириладиган таомларнинг қайси бирига энг кўп турдаги ресурслар сарфланади? Бу ресурсларни сананг.

Жавоб: " _____ " таомини тайёрлашга ишлатиладиган ресурслар:

- | | | |
|----------|-----------|-----------|
| 1. _____ | 6. _____ | 11. _____ |
| 2. _____ | 7. _____ | 12. _____ |
| 3. _____ | 8. _____ | 13. _____ |
| 4. _____ | 9. _____ | 14. _____ |
| 5. _____ | 10. _____ | 15. _____ |

9. Қуйидаги расмда қандай муаммо тасвирланган



Жавоб _____

10. а) Шу кунлардаги ўқув қуролига бўлган эҳтиёжларингизни ёзинг.
 б) Эртага 100 сўм пул билан ўқув қуроли дўконида борганингизда, ўзингизга керакли қайси қуролини сотиб олган бўлар эдингиз?
 (Дўконидаги ўқув қуроли нархлари расмда келтирилган).
 в) Нима сабабдан, айнан шу ўқув қуролини, яъни ўз танловингизни асосланг.


Қалам - 5 сўм	Ручка - 15 сўм	Дафтар - 10 сўм	Чизгич - 20 сўм
Расм дафтар - 60 сўм	Умумий дафтар - 50 сўм	Учирғич - 10 сўм	Расм қалам - 100 сўм

Жавоб: а) Ўқув қуролига бўлган эҳтиёжим: _____

б) Дўкондан 100 сўмга сотиб олинадиган ўқув қуроли: _____

в) Танловимнинг сабаблари: _____

Исм-шарифингиз _____
 Манзилингиз, мактабингиз ва синфингиз _____





**БИР БОР ЭКАН, БИР ЎЎҚ ЭКАН.
 ПУЛ ДЕГАН БЎЛГАН ЭКАН...**

Давоми. Боши утган сонларда.

Мақумада ҳаёт кундан кунга яхшиланиб борди. Бора-бора пул кўпайиб, ҳатто ортиб қолди ҳам. Бу мамлакатда янги муаммони келтириб чиқарди: вақтинча бўш турган пуллари қарга қўйиш ва нима қилиш керак?



65

Қирол Бумба бир ажойиб гоёни ўйлаб топди.



- Ортиқча пуллари сақлайдиган шинам, тинч ва бехатар омбор қуриш керак!

- Норжил (кокос) ёки тўр омборлари билан адаштириб қўймасликлари учун бу пул омборини БАНК деб атаёмиз.


66

Айтилган гап - амалга ошди. Аслида Мақума-Банк бошқа омборлардан жуда фарқ қиларди. У пешайовли, нақшин устунли - худди кошонанинг ўзи бўлди.



67

Пулни банкда сақлаш ҳаммага ёқди. Бироқ банкка тез-тез бориб туриш кўп вақтни оларди.



68

Бир кун қирол Бумба бетоб бўлиб ётиб қолди. Ва ўзининг пулидан бир қисмини уйига юборишларини сўраб Банкка - Блуммига хат йўллади.



"Азизим, Блумми! Менинг ҳисоб рақамимдаги пулдан 20 долларини олиб, уни мени даволаш учун доктор Миллига бер".

69

Хатни олган Блумми аввал роса ажабланди. Лекин мактуб сўнгидеги қиролнинг имзоси ва имзони тасдиқловчи давлат мухрини кўргач, билдики, ПУЛ масаласидаги яна бир муаммо ҳал бўлди.



70

Дўхтир Милли Банкка келди, Блумми унга 20 доллар берди.



71

- Бу қиролимизни даволаганингиз учун бериляпти сизга.

- Банк мен ўйлаганимда кўра яхшироқ жой экан!

Демак, банкда пули бор одамнинг бировдан қарзи бўлса, уни тўлаши учун иккови учрашиши шарт эмас экан-да! Тўловчи қарздор Банкка хат ёзиб, ўз ҳисобидаги пулдан бир қисмини қарзини сўраган одам номига ўтказиб беришини сўраса - бўлди экан...



72

Блумми жовон ғаладонидеги варақча (карточка)-ларни олди - бу ҳисоб рақамлари эди.



73

- Қирол Бумбанинг ҳисоб варағи қайси эди? Дўхтир Миллиники-чи?

- Шундай қилиб десангиз, қирол Бумбанинг пулларида 20 долларини олиб, дўхтир Миллининг пулига қўшиб қўямиз...



74

Давоми келгуси сонда.

**"ЁШ ИҚТИСОДЧИ"ГА
 МАКТУБЛАРИНГИЗНИ КЎЙИДАГИ
 МАНЗИЛГА ЮБОРИШИНГИЗ МУМКИН:**

700029. Тошкент шаҳри,
 Мустақиллик майдони,
 2-уй, 402-хона
 (Музаффар ПИРМАТОВга).

Мулоқот учун телефон:
 (371) 139-49-32, 139-19-16.
 Факс: (371) 139-48-23.



Олмос

ТАЯНЧ БЎЛМАСА ҲАМ ҲАРАКАТЛАНИШ МУМКИНМИ?

Юрганимизда биз ер ёки полни оёқларимиз билан итарамиз. Жуда юмшоқ пол ёки ўта силлиқ музни эса итара олмаймиз, шунинг учун бундай жойда юриб бўлмайди. Паровоз бошловчи гилдираклари билан рельсни "итаради": агар рельсларга ёғ суртиб қўйилса, паровоз жойидан жиллолмайди. Шунинг учун баъзи киш-қировли кунларда рельслар устини муз қопламасин учун поезд юришидан олдин уларга махсус қум сеппилади. Буни сезган муҳандислар авваллари поезд гилдиракларини тишли қилиб яшаган. Пароходлар ҳам сувда ўзининг борт гилдираги кураклари билан ёки махсус винт ёрдамида сувни "тепиб" олға силжийди. Самолётлар эса винт параклари билан ҳавони орқага "итаради"лар. Қисқаси, ҳар бир нарса бирорта махсус қисми воситасида "тепилиб" сўнг ҳаракатга келади.

Жисм ҳеч қандай таянч бўлмаса ҳам ҳаракатлана оладими?

Бизнинг асримизда маълум бўлишича, жисм (ёки жонзот, жумладан одам ҳам) ўзидан ташқарида бирорта таянчи бўлмаса ҳам ҳаракатлана оларкан. Бунда у ўзининг бирор ички имкониятига таянаркан. Масалан, жисмининг бир қисмини бир ёққа, 2-қисмини унга қарма қарши томонга йўналтирганда шундай ҳолат юз беради. Бунга ракеталар учиши яққол мисол бўла олади.

Бошқотирма

МАКТАБДАГИ ТЎГАРАКЛАР ИШИ

- Бизнинг мактабимизда, - деб гап бошлади Камол, - 5 та тўғарак бор: чилангарлик, дурадгорлик, сураткашлик, шахмат ва доирачилар. Чилангарлик тўғараги кунора, дурадгорлик - орадан 2 кун оралатиб, сураткашлик - ҳар тўртинчи кунда, шахмат - ҳар бешинчи кунда, рубобчилар эса - ҳар олтинчи кунда машғулот ўтказишади. Биринчи январь кунини мактабдаги бешала тўғарак аъзолари тўпланишди. Сўнг ҳар қайси тўғарак ўз режаси, жадвали бўйича ишлаб бошлади. Йилнинг биринчи чорағида

бу тўғарак аъзолари яна неча марта бир кунда тўпланишди?

- Йил оддий йилми ёки кабиса йилими? - унинг гапини бўлди Собир.

- Оддий.

- Демак, январь, февраль, мартни қўшиб, тўқсон кун дейиш мумкин.

- Албатта.

- Бошқотирмангиздаги яна бир масалани ойдинлашти-

риб олиш керак, - деди муаллим. - Сизнинг мактабингизда бу давр ичида бирорта тўғарак машғулоти бўлмайдиган кунлар қанча экан?

- Тушундим! - деб гапга аралашди Жаҳонгир, - 1 январдан бошқа кунини бешала тўғарак тўплана билмайди бу чоракда, тўғарак машғулоти ўтмаган кун ҳам йўқ!


- Нера?

- Тушунтириб беролмайман. Лекин кўнглим сезиб турибди. - Худди шундай, - деди Собир.

Болалар! Сиз нима дейсиз. Бир ҳисоблаб кўринг-чи, Собир ҳақмикан? Боз устига, бунақа масалаларда кўнгли сезиши, тусмоллаш билан жавоб бериб бўлмайди. Аниқ ҳисоб-китоб керак!

Сурат - топшириқ:

СУРАТЛАРДАГИ АВТОМОБИЛАР ҚАЙСИ МАМЛАКАТЛАРДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ? УЛАР ҚАЙСИ РУСУМЛИ ЭКАНИНИ БЎШ КАТАКЛАРГА ЁЗИНГ



ИНСОН ҲУҚУҚИ ҲАҚИДАГИ УШБУ СЎЗЛАР ҚАЙСИ МАНБААДАН ОЛИНГАН?

"Ҳар бир одам ирқи, миллати, терисининг ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ва бошқа эътиқоди, миллий ва ижтимоий келиб чиқиши, мулкый ва бошқа ҳолатларидан қатъи назар мазкур Декларацияда кўрсатилган ҳамма ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиши шарт"...

Билимингизни синаб кўринг

ЭНГ БАЛАНД ШАРШАРАЛАР

1935 йили учувчи Д.Анхель дунёдаги энг баланд шаршарани аниқлаган. Унинг баландлиги 1054 метр бўлиб, машҳур Ниагара шаршарасидан 20 марта "новча". Бу шаршара уни очган одам номи билан аталган. Анхель кўпик устунини эслатади. Бу "кўпик" йўл-йўлакай сув томчиларига айланади. Сўнг пастроққа тушган сари у ёмғирни эслатадида, дарёга қуйилади.

Савол: Анхель шаршараси қаерда ва у қайси дарёга қуйилади?

Баландлиги бўйича Анхель дунёда биринчи ўринда туради.

Савол: Иккинчи ва учинчи ўринларда қайси шаршаралар туради?

ЛўЛИЛАРНИНГ ОНА ЮРТИ

Кўп минг йиллар аввал лўлилар ҳам бир жойда ўтроқ яшар эдилар. Уларнинг ватани Бахтал деб аталган. Бахтал - Бахтли деган маънони англатади. Бахталда қуёш чараклар, боғларда ранго ранг гуллар очилиб ётар, истеъдодли одамлар меҳнат қилиб, қувноқ ҳаёт кечирардилар.

Бу мамлакатда энг катта байрам - мусиқа, кўшиқ ва рақс байрами эди. Шу кунини лўлилар куйлар, ўйнар, турли созларда мусиқа чалишарди. Бундай дамларда улар устидан гўё кўкдаги юлдузлар дур, Қуёш - ёқут, ой - садаф сочарди.

Бирок, афсоналарга кўра, уларнинг ҳаётига ёвуз сеҳргарнинг ҳасади келиб, уларни турли йўллар билан йўқ қилишга ҳаракат қилганмиш. Шунинг учун бу халқ Қуёш юрадиган йўл бўйлаб тинч Ватан излаб йўлга чиқибди.

Ҳақиқатда ҳам лўлилар V асрда ўз ватани Шимолий Ҳиндистонни тарк этишга мажбур бўлганлар. Марказий ва Кичик Осиёдан ўтиб, Европага боришган. Сўнг барча мамлакат ва қитъаларга тарқалиб кетган. Бу қувноқ, ҳаётсевар халқ шунча оғир тарихий йўлни босиб ўтган бўлсада, асло руҳини туширмаган. Иродали. Улар буюмлар тўқиш, кўмир қазих, заргарлик, отбоқарликни кўпроқ ёқтиради. Бизнинг мамлакатимизда бу халқ вакиллари ўзбеклар билан баробар ишлаб, юртни обод қилишга ҳисса қўшмоқда. Улар бизда ўтроқлашиб ҳаёт кечиряшди. Уй қуриб, Ватан тутишган.

ХОНАДОН ЎЧОҒИ

Шимолда, тундрада яшовчи одамлар уйида бир жой борки, у жуда муқаддас саналади. Бу ерга хонадоннинг барча аъзолари жамулжам бўлиб ўтиради. Ненецлар уни чуме, чукотлар яранге, юнагирлар эса нимэ деб аташади. Бу бизнинг ўчоғимизга ўхшайди, унда олов ёниб туради. Бирок у халқларнинг "ўчоқлари" хона ўртароғида бўлади. Олов атрофида ўтирганлар секин-секин суҳбатлашадилар. Бу халқларда сақланиб қолган афсоналарга кўра, ўт қаттиқ овоздан "ҳаяжонланиб" кетармиш. Натижада ёнғин чиқиши мумкин.

Юнагирлар ўтга "Хайче Лачил Меру!" деб мурожаат қилишади. Бу ўзбекчада "Олов бобо!" дегани.

Демак, дунёнинг жуда кўп халқлари ўтти, ўчоқни жуда эъзозлашади.

Сиз-чи, азиз болалар! Ўчоғимиз муқаддас эканини унутмадингизми? Қиш олдида ховлидаги ўчоғингиз устини ёпиб, уни қор-ёмғирдан асраш бурчингиз эканини эслатиб ўтамиз. Ахир ёпиқ хонадон ўчоғи - сулоланинг давомийлигининг нишонаси!

Ўзингиз ясанг

...БАРГЛАР ҚУШГА АЙЛАНДИ





Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигига

„НИЛОМЕТР“НИ БУЮК БОБОМИЗ ТАЪМИРЛАГАНМИ ЁКИ...

“Ёш иқтисодчи” саҳифаларида эълон қилинган журналист Камол Оллоёрнинг “Адолат тарозуси” суҳбат мақоласида Ал-Фарғоний томонидан Нил дарёси сувини ўлчовчи “Нилометр” қурилгани ва унинг аҳамияти ҳақида сўз юритилганди. Бугун ўша мақолада фикр билдирган суҳбатдош олимлар Ф.Ҳикматов ва Д.Айтбоевларнинг янги мақоласи билан танишасиз.

Нил дарёси ўзанидаги Равас оролидаги ўша даврда қурилган ва ҳозирги кунгача сақланиб қолган бу сув ўлчаш қурилмаси турли манбаларда турлича номланади. Масалан, шарқ олимлари асарларида “Миқёс ан-Нил”, “Миқёси жадид” деб аталса, ғарб (асосан оврўполик) олимларнинг шу соҳага оид тадқиқотларида кўпроқ “Нилометр”, айрим ҳоллардагина “Миқёс ан-Нил” деб аталган. Фикри-мизча, “Миқёс ан-Нил” ёки “Нилометр” деб аталлиши тўғри, чунки қурилма Нил дарёси суви сатҳини ўлчаш мақсадида қурилган, яъни бу ном унинг вазифасига жуда мосдир. “Миқёси жадид” эса қурилмадан амалий мақсадларда фойдаланишда қулайлик яратиш учун имкон берадиган махсус жадваллар, кўрсатмалар мажмуи бўлса керак.

Ҳозирги кунда “Нилометр”нинг қурилган вақти ва кимлар томонидан бунёд этилганлиги ҳақида турлича фикрлар мавжуд. Жумладан, тадқиқотчиларнинг бир гуруҳи “Нилометр” 961 йилда Аҳмад Фарғоний бошчилигида қурилган десалар, иккинчи бир гуруҳ олимлар “Нилометр” шу йили Аҳмад Фарғоний бошчилигида таъмирланган дейдилар. Яна бир гуруҳ (асосан оврўполик) олимлар иншоотни юқорида келтирилган санадан анча олдин қурилган деб ҳисоблайдилар.

Кейинги гуруҳга мансуб бўлган тадқиқотчилардан бири англиялик гидролог олим Г.Херстдир. У 1952 йили Лондонда чоп этилган “Нил” монографиясида иншоотнинг 711 йилда қурилганлиги ҳақида ёзади.

Яна бир англиялик гидролог олим А.К.Бисвас ўзининг 1970 йилда Лондонда чоп этилган “Гидро-

логия тарихи” асарида мазкур иншоотни 715 йилда араблар томонидан қурилган деб ёзади. Шу билан бирга муаллиф иншоотнинг 861 йилда таъмирланганлигини ҳам қайд этади.

Бошқа бир манбада, аниқроғи, А.Носиров ва Ҳ.Ҳикматуллаевларнинг Аҳмад Фарғонийга бағишланган рисоласида “...Фарғоний Қоҳирадаги Нил дарёсининг сувини ўлчайдиган янги, ўлчов асбоби (“Миқёси жадид”)ни ишлади” дейилади.

Юқорида қайд этилганлардан икки хил хулоса чиқариш мумкин: биринчиси - “Нилометр” VIII-аср боши (711 йил ёки 715 йил)да араблар томонидан қурилган ва 961 йилда Аҳмад Фарғоний бошчилигида таъмирланган; иккинчиси - иншоот тўлалигича 961 йилда Фарғоний бошчилигида қурилган ва фойдаланишга топширилган. Ҳар икки хулосадан қайси бири тўғри эканлиги ҳақида бир фикрга келиш учун куйидаги мулоҳазаларни баён этиш жоиздир.

Тарихий манбаларда қайд этилишича, араблар Мисрни 641 йилда, халифа Умар (634-644 йиллар) даврида забт этганлар. Араблар ниломери ўрнатилган вақт (Г.Херст бўйича 711 йил ёки А.Бисвас бўйича 715 йил) эса чоҳарёрлар - халифалар Абу Бакр (632-634 йиллар), Умар (634-644 йиллар), Усмон (644-656 йиллар), Али (656-671 йиллар)дан кейин ҳокимиятни эгаллаган уммавийлар сулоласининг вакили халифа Волид даври (705-715 йиллар)га тўғри келади. Номлари юқорида қайд этилган оврўполик олимлар фикрига қўшиладиган бўлсак, бу вақт Мисрнинг араблар томонидан босиб олинишидан бор-йўғи 60-65 йил кейинги даврдир. Тўғри, араблар ҳам ўз ниломет-

рини ўрнатган бўлишлари мумкин, лекин у “Нилометр”дан бутунлай бошқача кўринишда бўлиши керак. Шу ўринда араблар Мисрни босиб олгунга қадар маҳаллий аҳоли томонидан Нил дарёсида сув сатҳи ўзгаришларини кузатиш ишлари амалга оширилганми? - деган ҳақли савол туғилади. Ҳа, Нил дарёсида сув сатҳини ўлчаш ишлари милоддан олдинги 3500-3000 йилларга бориб тақалади.

Гидрология тарихидан маълум бўлишича, мисрликлар ўша даврлардан бошлаб Нил дарёси суви сатҳини асосан куйидаги икки хил усул билан кузатганлар: 1) дарё қирғоғидаги тик қоятошларга махсус белгилар қўйиш; 2) қирғоққа мустақкам ўрнатилган қозиклар ёки тош зинапоялардан фойдаланиб ҳисоб олиш.

Қайд этилган усуллар билан сув сатҳини кузатиб бориш Нил дарёси узунлиги бўйича бир нечта жойларда амалга оширилган. Дарёнинг тоғли қисмида биринчи усул қўлланилган бўлса, текислик қисмида асосан иккинчи усулдан фойдаланишган. Лекин, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, сув сатҳини аниқ ўлчашга имкон берадиган учинчи турдаги қурилма, яъни Равас оролидаги “Нилометр”га ўхшашлари ундан олдин ҳам, кейинги даврларда, ҳатто ҳозирги кунда ҳам учрамайди.

Шу мулоҳазалардан келиб чиқиб, ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, VIII-аср боши (711 йил ёки 715 йил)да Равас оролида араблар томонидан қурилган нилометр дастлабки икки турдан бирига мансуб бўлиши керак. Чунки, биринчидан, Мисрда бир неча минг йиллар давомида қўлланилиб келган сув сатҳини ўлчаш усуллари араблар истеълосидан сўнг бор-йўғи 60-65 йил давомида тубдан ўзгариб қолмаса керак. Иккинчидан, бу даврда халифаликдаги сиёсий вазият ҳам Нил дарёси

суви сатҳини кузатиш усулларида кескин ўзгариш қилишга имкон бермас эди, аниқроғи, бу даврда асосий эътибор халифалик ерларини кенгайтиришга қаратилган. Учунчидан, “Нилометр”да қўлланилган сув сатҳини ўлчаш усулини араблар таклиф этган десак, маълумки, улар ўз юртларида бундай ишлар билан умуман машғул бўлмаганлар.

Ушбу фикрларнинг ўринли эканлиги куйидаги далилларда янада яққолроқ сезилади.

А.К.Бисвас маълумоти бўйича Равас оролидаги “Нилометр” билан оврўполиклар, аниқроғи Ле Пер ва Марсел деган шахслар Наполеоннинг Мисрга юришлари вақти (1798-1800 йиллар)да танишишган. Уларнинг тавсифича, сув ўлчаш иншооти квадрат шаклидаги қудуқ кўринишида бўлиб, Нил дарёси билан учта ер ости сув йўллари орқали туташган. Қудуқ ўртасида оқ мармар билан қопланган саккиз қиррали устун ўрнатилган. Шу устунда сув сатҳини ўлчашга имкон берадиган йирик даражот (бўлак)лар, улар эса ўз навбатида майда даражотларга ажратилган. Йирик даражотлар араб тирсак бирлиги (54 см)га, майдалари эса унинг 1/24 қисми (қирот)га, яъни 2,25 см.га тенг бўлган. Кузатувчи сув сатҳи ҳақида ҳисоб олиш учун айланма шаклида қурилган зинапоялардан тушиб-чиққан. Бино деворларининг ички томонида эса араб алифбосида ёзилган ислом динига оид муқаддас битиклар бўлган.

Иншоотнинг мазкур тавсифида келтирилган араб тирсак бирлигига тенг бўлган йирик даражотлар ҳамда қиротларга тенг бўлган майда даражотлар диққатни ўзига тортади, шу билан бир вақтда ўлкамизда қадимдан дарёларда сув сатҳини ўлчаш ишлари бажарилганлиги ҳақида араб олими ва сайёҳи ал-Муқаддасийнинг юқорида қайд этилган маълумотларини ёдга солади.

Ҳақиқатан ҳам ал-Муқаддасий ёзиб қолдирган Мурғоб дарёсидаги сув ўлчаш ишларидан Аҳмад Фарғоний Марв шаҳрида яшаган йилларда хабардор бўлганлиги ва бундай сув ўлчаш услубини келгусида “Нилометр”ни қуришда қўллаган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

VIII асрнинг ўрталари (750 йил)дан халифаликда ҳукмронлик аббосийлар сулоласи қўлига ўтади. Аббосий халифалар, айниқса Хорун ар-Рашид (786-809 йиллар) ва унинг ўғиллари ал-Амин (809-813 йиллар) ҳамда ал-Маъмун (813-833 йиллар)лар халифалиги даврларида илм-фан, маданият, меъморчилик, қурилиш ва умуман бунёдкорлик ишларига катта эътибор берилади. Бу ҳолат халифалар ал-Муътақим (833-842 йиллар), ал-Муътади (842-846 йиллар)лар даврида ҳам муваффақиятли давом эттирилган, айниқса халифа ал-Мутаваккил замони (846-862 йиллар)да янада ривож топган.

Аҳмад Фарғоний, юқорида қайд этилганидек, худди шу ал-Мутаваккил халифалиги даврида унинг топширигига кўра, Фустот (ҳозирги Қоҳира)га боради ва у ерда маълум муддат яшайди. Алломанинг Қоҳирага қачон борганлиги ва у ерда маълум муддат яшганлигининг аниқ муддатлари ҳали номаълум. Аҳмад Фарғоний у ерда қанча муддат яшашидан қатъи назар шу вақт ичида (ундан олдин ҳам) Нил дарёси гидрологик тартибини ва умуман сув илмини мукаммал ўрганган бўлиши керак. Натижада олдингилардан тубдан фарқ қиладиган сув ўлчаш иншооти “Нилометр”ни лойиҳалаш ва уни қуриш ишларига бевосита раҳбарлик қилган.

Фазлиддин
ҲИКМАТОВ,

Мирзо Улуғбек номи
ТошДУ Гидрология
кафедраси доценти,
Даулетбай АЙТБАЕВ,
илмий ходим.



Одамлар қадим замонларда Ер шари ҳақида нималарни тўқиб-бичишмаган. Масалан, уни катта оби нон, қалин қуймоқ ёки тоққа ўхшатишган. Бугунги кунда жажжи болакайдан сўрасангиз ҳам, у ҳеч иккиланмасдан бизнинг сайёрамиз шар шаклида эканини айтиб беради. Ер шарини нима тутиб туради, деган савол тугилиши табиий. Қадим замон одамлари Ерни қалин бир қуймоқ тарзида тасаввур қилишганида, у тиргаксиз туриши мумкин эмас, деб ўйлашган. Шунинг учун ҳам қуймоқ филларнинг сўрасида, филлар эса улкан тошбақанинг устида туради, деган хулосага келишган. шу тариқа Ердаги эмас, космик океанда сузиб юрадиган қизик бир пирамида - эҳром ҳосил бўлган.

Албатта, бугунги кунда бундай чўпчакка ҳеч ким

ишонмайди. Лекин Ерни нима тутиб туради? Мабодо, уни ҳеч нарса тутиб турмаслигини ва остида ҳеч қандай тиргак йўқ эканини билиб қолсангиз, сиз буни қандай тасаввур қилар эдингиз?

Савол, албатта, қийин. Келинг, яхшиси, саволга жавоб излаб топишни оддий нарсадан бошлай қолайлик. Бир фараз қилиб кўринг: сув тўла челақни бошингиз устида ағдарсангиз нима бўлади? Тўғри, сув бошингизга тўкилиб кетади. Энди, бор-эй, таваккал, деб шундай бир цирк номерини бажариб кўринг. Болалар челақсига ип боғланг-да, олдин уни бўш ҳолда, сўнгра сув тўлдириб бошингиз узра айлантинг. Яхшиси, буни ташқарида машқ қилганингиз маъқул. Машқларни такрорлайверсангиз, айланаётган челақдан

бирор томчи сув ҳам ерга тушмай қолади. Агар челақни айлантинишни тўсатдан тўхтатсангиз, сув устингизга тўқилиб, кийим-бошингиз шалаббо бўлади. Демак, челақ ҳара-

Ер айланаётганда ҳам худди шундай ҳол юз беради. Ҳақиқатан ҳам Ер шарини ҳеч нарса муаллақ тутиб турмайди, унинг кулаб кетмаслиги сабаби Куёш атрофида бетўхтов ҳар бири бир йилга тенг бўлган айлана кетадиган айлана ясаб ҳаракат қилаверишидир. Албатта, Ер Куёшга ҳеч бир арқон билан боғлаб қўйилмаган. Аслида арқоннинг кераги ҳам йўқ. Усиз ҳам Куёш Ер ва бошқа сайёраларни ўзига тортиб туради. Ер бир вақтнинг ўзиде ҳам Куёшга томон қулайди, ҳам ундан узоқлашиб кетаётган бўлади. Натижада миллиардлаб йиллардан бери учиб ҳам кетмай, кулаб ҳам тушмай, Куёш атрофида айланади...

Агар Куёш Ерни тортиб турмаганида космик фазонинг бирор томонига учиб кетган бўлар эди. Мабодо, Ер нима сабабдандир айла-

нишдан тўхтаб қолганида Куёшга кулаб тушиши мумкин эди. Яхшики, у учиб ҳам кетмайди, кулаб ҳам тушмайди.

Ер бир дақиқа ҳам тўхтамай, ўз орбитаси бўйлаб учиб кетаётган экан, биз ҳам у билан биргаликда учиб кетаяпмиз.

Ер шари Куёш атрофида айланиши билан биргаликда ўз ўқи атрофида ҳам пилдироқ ўйинчоқ сингари бир кеча-кундизда бир марта айланади. Шунинг учун ҳам биз ўз ўқи атрофида айланадиган каруселда яшаётганга ўхшаймиз. Ер Куёшга гоҳ у, гоҳ бу томони билан қараб айланаверади. Шу сабабдан кун билан тун тўхтовсиз алмашилиб туради.



катда бўлган вақтда сув тўқилмади, бироқ у ҳаракатдан тўхташи билан тўнтарилган челақда сув турмай, тўқилиб кетди.

УРУҒЛАР ҚАНДАЙ УНИБ ЧИҚАДИ?



Ҳар бир уруғ келгуси ўсимлик солиб қўйилган халтачани эслатади. Уруғнинг таркибида майда янги ўсимлик билан бир қаторда унинг озикланиши учун зарур бўлган моддалар ҳам бўлади. Агар катта уруғлардан ловияни ўртасидан иккига бўлсангиз, унинг ичида ўсимлик муртаги ва озикни кўришингиз мумкин. Яна уруғпалла деб аталувчи иккита оқимтир, юпқа паллаларга ҳам кўзингиз тушади. Улар униб чиқаётган муртақ учун озуқа вазифасини ўтовчи крахмал билан тўла бўлади. Эътибор бериб тикилсангиз, уруғпаллалар ўртасидаги оқ нишни кўрасиз. У бўлгуси ловия

ўсимлигидир. Айрим ўсимликларнинг фақат битта уруғпалласи бўлади.

Айрим ўсимликларнинг муртаги ерга тушиши биланоқ униб чиқади, бошқаларига эса бунинг учун маълум бир давр, ҳатто бир неча ой керак бўлади. Дастлаб уларнинг илдизи пайдо бўлади, сўнгра қулоқ чиқаради.

Олма, помидор сингари шарбати мўл меваларнинг уруғлари ичидан олинмагунча, униб чиқмайди. Чунки бу меваларнинг таркибида уруғлар унишига тўсқинлик қиладиган моддалар бор.

Уруғнинг ичидаги майда ниш

муртақ ёки эмбрион деб аталади. Унинг юқори қисмидан поя ва барглар ўсиб чиқади. Қуйи қисмидан ҳам нишча бўртади ва ундан кейинчалик илдиз пайдо бўлади.

Уруғлар шароит қулай бўлган тақдирдагина уна бошлайди. Бундай шароит деганда, иссиқлик, етарли даражадаги намлик ва кислород англашилади. Бундай шароитлар мавжуд бўлган тақдирда озуқа моддалар захираси эмбрионни озиклантира бошлайди. Эмбрион ўсиб, қобикни ёриб чиққач, ниҳол ёки майса пайдо бўлади. У ўз навбатида, катталаша бориб, ота-она ўсимликка ўхшаб қолади.

БИЗ ҚАЙ ПАЙТ ҚУЁШ АТРОФИДА ТЕЗРОҚ ҲАРАКАТ ҚИЛАМИЗ: КУНДУЗИМИ, КЕЧАСИМИ?

Бу савол англашилмовчиликка ҳам сабаб бўлиши мумкин: ахир, ҳамиша Ернинг бир томонида кундуз бўлса, бошқа томонида кечаси бўлади. Бу тарзда савол беришингиз нима кераги бор, дейишингиз ҳам мумкин. Бир қарашда савол ноўриндай туюлади. Аслида эса бу саволда ҳам жон бор. Бу ерда гап бутун Ер шарининг айланиши тўғрисида эмас, аксинча, унда яшовчи сизу бизларнинг юлдузлар орасида тезроқ ҳаракат қилишимиз тўғрисида кетяпти. Буни бемаъни савол деб бўлмайд-

ди. Ер Куёш системасида икки хил ҳаракат қилади: Куёш атрофида ҳамда ўз ўқи атрофида айланади. Икки ҳаракат бир-бирига мос келади. Аммо натижа биз Ернинг кундузги ёки тунги томонида турганимизга қараб турлича бўлади. Ярим кечаси айланиш тезлиги Ернинг ҳамма нуқталари параллел равишда кўзгаладиган тезлигига қўшилади. Кундузи эса, аксинча, бу тезлик йўқолади. Демак, биз Куёш системасида кундузгига нисбатан тунда тезроқ ҳаракат қилар эканмиз.

ДАРАХТЛАРНИНГ УРУҒИ ҚАНДАЙ ТАРҚАЛАДИ?

Кузга бориб, оқ қайин, ольха, шумтол, тоғтерак каби узун дарахтларнинг меваси пишиб етилади. Уларнинг мевалари ҳам гуллари сингари кўзга унчалик ташланмайди. Оқ қайин ва шумтолнинг уруғлари кўшқанотлидир, тоғтеракнинг уруғларида эса ингичка ипаксимон туклар бор. Нима учун узун дарахтларнинг уруғи бу қадар кўримсиз? Бунинг сири жуда оддий. Эмандан ташқари, оқ қайин, шумтол, тоғтерак ва бошқа кўплаб узун дарахтларнинг уруғини шамол тарқатади. Аммо шамолни ёрғин ранг ёки хушбўй билан жалб этиб бўлмайди. Боз устига, бундай дарахтларнинг уруғида қанотлар ёки момиқ бўлиб, шамолда узоқроққа учишига ёрдам беради.


Мевалар пишиб, тўқилаётган вақтда баргресон ҳам бошланади, йўқса, шамол япроқларнинг орасидан ўтиши ва тайёр уруғларни учириб кетиши қийин. Аммо айрим дарахтлар, масалан, оқ қайиннинг мевалари шохларида қишгача осилиб

туради. Шумтолники эса баҳоргача ҳам осилиб туриши мумкин. Аммо, барибир, шамол уларни учириб, қордаги излар ўрнида қоплан-

ўткир тиканлар бўлади. Улар шу тиканлар ёрдамида ўсимлик ёнидан ўтаётган одам ёки жониворга илашиб қолади ва шу тариқа бошқа жойга кўчади.

Баъзи тижорат саёҳатлари чоғида айрим ўт-ўлан уруғлари узоқдан-узоқ масофани босиб ўтиб, тасодифан дунёнинг турли чеккаларига бориб қолган. Масалан, кемалар лимонўтни Африкадан Янги Дунё - Америка қитъасига олиб борган. Ўсимликларнинг поялари қуллар учун тўшак вазифасини ўтаган. Улар ерга ташлаганда, уруғлари сочилиб кетган. Шундай қилиб, Африканинг бу ўти Шимолий Америкага тарқалиб кетган.

Айрим ўтлар бир мавсум яшагач, нобуд бўлади. Уларни ҳар йили экиш керак. Бошқа ўтлар эса кўп йилликдир. Яйловлардаги ёки сизнинг ўтлоғингиздаги ўтлар йиллар бўйи ўсаверади, чунки уларнинг илдизи қишки совуқларга чидамлидир. Баҳор келиши билан улардан майсалар кўкариб чиқаверади.





ЎЙИН МАЙДОНЧАСИ

78-79-СОНДА БЕРИЛГАН ЎЙИНЛАР ЖАВОБИ:




В-Г, Д-М, Е-К, А-Ж, З-К, Б-И

1, 2, 5, 7,


“ЕШ ИҚТИСОДЧИ”ГА
МАҚТУБЛАРИНГИЗНИ
КУЙИДАГИ МАНЗИЛГА
ЮБОРИШИНГИЗ МУМКИН:

700029. Тошкент шаҳри,
Мустақиллик майдони,
2-уй, 402-хона
(Музаффар ПИРМАТОВга).


Мулоқот учун телефон:
(371) 139-49-32, 139-19-16.
Факс: (371) 139-43-23.
Пейджер: (088) 30-13



Ҳар бир
тишли
ғилдирак
(шестерня)
қайси
томонга
айланади?
Йўналиши
томонини
ўқ
(стрелка)
билан
белгилаң.



Микки
космик
кемага етиб
олишига
ёрдам беринг.
У учиб
ўтадиган
йўлни
белгилаң.



Виллининг
қўлидаги винт
чойгумга тушиб
кетди. Доналдо
эса чой
қуйиладиган
жўмракка
пиёла тутиб
турарди. Винт
тушгач, энди
Доналдога чой
ичиши насиб
қилармикан?
Чой йўли
бекилиб
қолмайдими?
Нима деб
ўйлайсиз?



Суратда
Шаҳризаданинг
шаҳри расми
чизилган.
Унинг
белгиларини
топишда
Гуфига ёрдам
беринг.

Сиз кулсангиз,
онажон,
Олам кулади.
Сувратингизни чизсак
Қалам кулади.
Ой, қуёшни кўрамиз
Сизга ўхшатиб,
Ёшингизни турамиз
Юзга ўхшатиб.
Сизни кулдирамиз
деб,
Режа қиламиз.
Ой-қуёшни кулгуга
Бежай биламиз.
Онажон, сиз
кулсангиз
Яшнаб кетасиз.
Юздаги ажинларни
Ташлаб кетасиз...



Қибрай тумани Лимонария жамоа хужалигида 96 ёшли Ойниса буви Иноғомова яшайдилар. Улар менинг бувижоним буладилар.

Дам олиш куни адам, аям, мен ва укам уларни кўргани бордик. Шу пайт орқамиздан бир аёл угилчасини кутарганча ҳовлиқиб кириб келди. Онасининг айтишича бу бола кечаси билан йиглаб чиқибди. Шифокорга ҳам олиб боришибди. Соппа-соғ, — дебди.

Салом-алиқдан сунг йиглаб турган болани бувижоним қўлларига олдилар. Тавба, муъжиза юз берди-я. Боланинг иштаҳаси очилиб, кайфияти ҳам кутарилди. Бувижоним бор-йўги қўлларига олиб:

Дикир-дикир ўйнасин,
Оёғи тикан кўрмасин.
Кўзи қаттиқ банданинг
Шунга кўзи тегмасин, —
деб уйнатгандилар. Шу десам, бувижонимнинг қўлларига, ҳар бир сузларида сеҳр бор-да.

Бувижонимнинг саккиз нафар фарзандлари бор. Олтинчиси Тожиниса — менинг ойижоним буладилар. Демак мен бувижонимга эвара эканман. Тунгич фарзандлари Урмон бобо 76 ёшга тулганлар. Улар бувижонимга шундоққина ён қушни — жон қушчилар. Ҳар борганимда бобонинг уйларига

ХОТИРА ҲУҚУҚИ

Одатдагилек қушнимизнинг қизи Феруза бизнинг уйга чиқди. Бугун у чиройли кийиниб олибди сабаби бугун Ферузанинг тугилган куни экан.

Ферузани узимга яқин олиб юришим бежиз эмас. Ҳар куни узим бир маҳал бизникига чиқишини истайман. Чунки унинг кунгли ярим. Айтишади-ку: дунёни яхшилик ва гузаллик асрайдиган деб. Яна бир-бирига озор бериб яшаш — қуёшнинг нурини тусгандек гап.

Биламан, Феруза бугун шод. Лекин бу дунёнинг тугамас армонларидан унинг кўзлари ёшга тулган. Онаси

яқинда оламдан утган. Яхшиямки, бахтларига дадаси яхши одам. Уларни оқ ювиб — оқ тарайди, асраб-авайлайди. Оналар қиладиган ҳамма юмушларни фарзандлари учун аёло даражада бажаради.

Оналар ёзади

Неча ёшга тўлдинг, Феруза? — деб сурадим. У секингина 12 га деди. Мен унинг пешонасидан упиб, узоқ умр тиладим. У худди шуни кутган эканми, уйига чиқиб кетишга шайланиб қолди.

— Ҳа, Феруза қаерга?
— Уйга.



БУВИЖОНИМ КЕЛСАЛАР...

чиқаман. Уларнинг ҳам менга ухшаган 30 дан ортиқ неваралари, эваралари бор-да.

Бувижонимда эса санаб чиқсам, 110 дан ошиқ неваралари, 20 га яқин эваралари, 10 та чеваралари бор экан. Агарда уларнинг ҳаммаси бувижонимни кўргани бир

Дийдор ганимат

кунда келса борми, ҳовлимизда туй булиб кетади. Бувижоним ҳар биримизнинг исмиимизни аниқ ва чиройли қилиб айтадилар байрамларда, дам олиш кунларида бувижонимнинг хонадони ҳамisha меҳмонлар билан гавжум. Меҳмон булиб келувчиларга биринчи булиб неваралари Хонида кеннойим пешвоз чиқади. Улар бизларни эркалаб, қўлиб қаршилайдилар.

Бундай меҳмондўстликлари Ойниса бувимга янада куч-қувват бағишлайди. Ана шунда бизларни ҳам атрофларига йиғиб олиб меҳр—оқибат, имон, виждон ҳақида ривоятлар айтиб берадилар. Ҳадислардан уқиганларини гапирадилар. Яқинда улардан эшитганим

Мухаммад Пайгамбаримиз билан боғлиқ булган бир ривоятни сизлар-

га айтгим келяпти.

Бир куни Мухаммад Пайгамбаримиз олдиларига ута жудур кийинган бир киши келибди.

— Нега бундай кийингансиз? — деб сурасалар, «бор нарсаларимни одамларга хайри-худойи қилдим», — дебди ҳалиги одам.

— Бу ишингиз маъқул булмабди, — дебдилар Пайгамбаримиз

— Тангри сизни яхши яшаб, узи яратган неъматлардан бахраманд булишингизни истайди. Аввал узингиз, оилангиз бахраманд булсин. Ана ундан кейин ночорларга хайри-худойи қилсангиз яхши буларди...

Бувижонимнинг ёнларида утириб кеч булиб қолганини ҳам сезмай қоламиз.

Улар билан хайрлашар эканми, қўлларини дуога очиб, шундай дейдилар: «Юртимизда тинчлик омонлик, булсин. Чунки тинчлик ер юзидаги энг буюк неъматдир. Ёшларга умр, қариларга имон, фарзандларимизга эса инсоф берсин»...

Бувимнинг айтгани келсин. Бувилар ёмон гап айтмайди.

Искандар ОДИЛОВ,
Пойтахтимиздаги
206-мактаб ўқувчиси.

— Ўтир, мультфильм томоша қиласан, — десам ҳам барибир кунмади.

— Холам келадилар.
— Холанг ойингга ўхшайдиларми?

— Йук.
Биламан, Ферузанинг ойиси ҳеч кимга ухшамасди. У ширинсўз, меҳрибон, оқила аёл эди.

Шунда хаёлимга бир ривоят келди. Қуёшга сенинг тафтинг— дунёдаги энг кучли тафт деганларида, қуёш жавоб берган экан: Менинг тафтим она меҳри олдида ожизлик қилади.

Еру замин, қуёшу ой, кукдаги юлдузлар чарақлаган бу кунлар Феруза ва синглиси Ҳилолани кафтида кутаради. Лекин улар аршу аёлода булса ҳам ҳар кун ойисини соғиниб яшайдилар. Ойисининг суратига тикилиб туймайди. Кучаларда ойиси билан кетаётган болажонлар ортидан меҳр ва ҳавас-ла боқиб қолади. У доимо уртоқларига «ойингнинг айтганини қил» — дер экан. Кечалари ухламасдан баъзан шеърлар ёзар экан:

Ойижон, сиз бўлсангиз агар
ёнимда,

Олам товганиб олтин
бўлади.

Сўлган юзим,

кулмаган кўзим

Меҳрингиздан ял-ял ёнади.

Дунёда тинчлик ва омонликдан бошқа яна нима яхши,



— дейишганда ўз онажоним бағрида қувнаб юрганам яхши, — дер эдим.

Арзимаган нарса деб онажонини қийнаб, хафа қилаётган тендошларимга эса ота-онагизни ҳурмат қилинг, қадрига етинг, уларнинг дуосини олинг, — деган бўлардим. Кунгил боғларингиз ҳамisha ота-онанинг меҳри билан кукарсин. Етимларга меҳр-шафқат асло сунмасин.

Ферузадек ойисини соғиниб, бир кам дунёнинг кучаларида маъюсгина хаёлчан булиб қолган қизчаларга доимо меҳрли булайлик. Ойисини топиб беролмасакда, уларнинг қалб бустонида яхшилик ва гузаллик қирраларини кашф этайлик.

Меҳрибон дадаси ва синглисига узоқ умр тилаб, бизни меҳр нури билан эъзозлаётган ота-оналарга, катталарга ҳурматда булайлик.

Маъмура МАДРАҲИМОВА



Ҳасса дўк-дўк келяпти
Бувижоним келяпти...

Кичкина Али бир куни отаси билан қирга чиққан эди. Отаси бир дарахтнинг соясида китоб уқиб утирди. Али ҳар томонга югуриб, «хуп-хуп» деб қичқирди. У «хуп-хуп» деган сайин узокдаги тоғлар, ўрмонлардан ҳам шундай товушни эшитарди.

— «Ўрмон ичида уйнаб юрган бола ҳам «хуп-хуп» деб айтаётган булса керак», деб уйлади ва «Кимсан?» деб қичқирди. Ўрмон ичидан ҳам «Кимсан?» — деган товушни эшитиб, «Ўрмон ичидаги бола мени масхара қилаётибди» деб уйлаб, «Жинни бола!» деб қичқирганди, тоғ томондан ҳам шундай сўзни эшитди.

Али жуда ҳам аччиқланиб яна кўп ёмон сўзларни сўзлади. Нима деса уша

сўзлари тоғдан узига қайтиб келарди. Ниҳоят, Али отасининг ёнига келиб ўрмондаги боладан шикоят қилди. Отаси масалага тушуниб:

— У ёмон сўзларни олдин сен айтган булсанг керак? —



деб сураганди, Али иқроп бўлди. Шундан кейин отаси:

— Уғлим, ўрмонда бола йуқ, нима сўзлаган булсанг, у сўзинг тоғ томонидан ўзинга қайтиб келади. Яхши сўзларнинг акси яхши, ёмон сўзларнинг акси ёмон булади, — деб акс садо (қарши

товуш)нинг нималигини аңлатади.

Севимли болалар, бу ҳикоянинг мазмунига ўзингиз яхши тушунган булсангиз керак. Энди мана шу тўртта сўзни эсингиздан чиқарманг:

1. Бошқаларга қарши сира ҳам ёмон сўзламайлик, тилимизни ёмон сўзлардан тийлик.

2. Бировга тухмат қилишдан сақланайлик. Тухматчи, ифвогар одамга яқинлашмайлик.

3. Ҳар ким қилган ёмонлигининг жазосини бир кун тортади.

4. Ҳамма бизни севсин, кадрласин, деб орзу қилсак, биз ҳам бошқаларни севайлик, уларни кадрлайлик, ҳурмат қилайлик.

ҲАММА БИЗНИ СЕВСИН ДЕСАК, БИЗ ҲАММАНИ СЕВАЙЛИК

ЎЗИНГНИ САҚЛА

«Қурқинчли ҳолга тушишдан, фалокатдан ўзингизни сақла, кейин нима булишини билмасдан туриб, ҳеч бир ишга киришма!» деган огоҳлантиришни Каримжон ота-онасидан кўп вақт эшитган булса ҳам, уларнинг сўзларига сира аҳамият бермасди. Бир кун от қушилган арава кетаётганини куриб қолди, дарҳол араванинг орқасига осилди. Аравани секин-секин тортиб кетаётган от бирдан хуркиб, аравани олиб қочди. Карим жуда ҳам қурқди, узини ерга ташлай деса йиқилиб, бирор ери майиб булишини уйлади. «Аравакаш ака, тухтанг» деб қичқирган эди, аравакаш орқасига бир камчи урди эшитмади. Каримжон узини ерга ташлади, беҳуш булиб қолди.

Шундай қилиб, Каримжон бир неча ой итоатсизлик жазосини тортди.

1. Катта ёшли одамлар кичикларидан кўра яхши тушунадилар. Шунинг учун катталарнинг маслаҳатларини қабул қилинг.

2. Болалар катталарнинг сўзларидан жон қулоғи билан эшитишлари, уларнинг сўзларидан чиқмасликлари керак. Насихатни қабул қилмаган болалар кўп марта фалокатга дучор бўладилар. Буни яхши тушунинг.



«Ойнаи Жаҳон» — болаларга



СЕШАҢБА, 13 октябрь

Ўз.ТВ-1

10.05 «Янги алифбони урганамиз».
10.35 «Олтин миҳ» мультфильм.
10.45 Кундузги сеанс «Тожмаҳал». Бадийий фильм.
12.50 «Кел, дуст булайлик!» Иулдош Охунбоев номидаги Ёш томошабинлар театрининг спектакли.
18.10 «Қудуқ» мультфильм.
18.20 «Хунарманд» тележурнал.
19.05 «Янги авлод».
20.10 «Оқшом эртақлари».
21.30 «Акс-садо».

Ўз.ТВ-2. «Ёшлар канали»

ЯНГИ АВЛОД СТУДИЯСИ НАМОЙИШ ЭТАДИ.

18.05 «Эркатой».

Ўз.ТВ-3

18.10 Болалар учун «Энди эртақ бошланади».

ЎзТВ-4

16.50 «Мультсайера».

18.45 «Моҳир».

ЧОРШАҢБА, 14 октябрь

Ўз.ТВ-1

10.25 «Алифбо сабоқлари».
11.20 «Жасур Чупон бола». Мультфильм.
11.30 «Акс-садо».
12.05 Болалар учун «Мактублар-қабутарлар».
12.30 Кундузги сеанс «Уғил бола гап». Бадийий фильм.
18.10 Болалар учун «Улғайиш погоналари».
20.10 «Оқшом эртақлари».

Ўз.ТВ-2

18.05 «Спорт майдончаси»

«Мульттомоша».

Ўз.ТВ-3

21.05 «Хайрли оқшом».

Ўз.ТВ-4

16.50 «Мультсайера».

ПАЙШАҢБА, 15 октябрь

Ўз.ТВ-1

11.30 «Суварак» мультфильм.
12.05 Кундузги сеанс «Мимико» Бадийий фильм.
18.10 «Бешбармоқ» Тележурнал.
20.10 «Оқшом эртақлари».

Ўз.ТВ-2

18.05 «Буш утирма».

«Мульттомоша».

Ўз.ТВ-3

18.10 «Мультсайера».

18.45 «Бинафша».

ЖУМА, 16 октябрь

Ўз.ТВ-1

10.05 «Ҳа-ҳа-ҳа» Ҳазил, ҳажв, ҳангома.
10.30 Немис тили.
12.20 «Оламга саяхат».
12.05 Кундузги сеанс «Қора уқ». Бадийий фильм.
18.10 Болалар учун «Кузгу».
20.10. «Оқшом эртақлари».

Ўз.ТВ-2

18.05 «Олтин қалит».

«Мульттомоша».

Ўз.ТВ-3

18.10 «Ерилтош» мультфильм.

Ўз.ТВ-4

16.50 «Мультсайера».

18.45 «Масхарабозлар».

18.55 «Муъжизалар майдоли».

ШАҢБА, 17 октябрь

Ўз.ТВ-1

9.05 «Шоҳрух клуби».

УМИД НАМОЙИШ ЭТАДИ:

9.40 «Очиқ дарс».
«Вақтинг кетди...»
«Мен билган билмаган дунё».
«Кичкинтой устахонаси».
«Мардлар қуриқлайди — Ватанни».
12.35 Кундузги сеанс «Ғаройиб ҳодиса». Бадийий фильм.
18.00 «Мульттолам».

19.55 «Оқшом эртақлари».

Ўз.ТВ-2

9.00 «Олтин қалит».

«У ким? Бу нима?».

18.05 Боланинг тили.

«Мульттомоша».

Ўз.ТВ-3

8.00 «Мультфильм».

10.50 «Билиб қўйган яхши».

11.05 «Болажонлар экрани».

12.35 «Ёввойи табиат».

18.10 «Ерилтош» мультфильм.

18.30 Табиат шифохонаси.

Ўз.ТВ-4

9.05 «Кино сайераси».

11.55 «Биргаликда қуйлаймиз».

19.55 «Бу ажиб дунё».

ЯКШАҢБА, 18 октябрь

Ўз.ТВ-1

8.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур.

«УМИД» НАМОЙИШ ЭТАДИ:

9.15 «Ватанимга хизмат қиламан».

14.50 «Болалигим — пошполигим».

18.00 «Омад юлдузи» телевизион уйин.

Ўз.ТВ-2

9.00 «Спорт майдончаси».

18.05 «Бугуннинг боласи».

Мульттомоша.

Ўз.ТВ-3

8.00 «Мультфильм».

9.05 «Табиат шифохонаси».

18.10 «Мультжумбоқ».

Ўз.ТВ-4

10.00 «Эртақларнинг сеҳрли олами».

11.40 «Табиат билан танишув».

18.50 «Жонли сайера».

ДУШАҢБА, 19 октябрь

Ўз.ТВ-1

20.10 «Оқшом эртақлари».

Ўз.ТВ-2

18.05 «Жажжи давра».

«Мульттомоша».

Ўз.ТВ-3

18.30 «Эя ва унинг дустлари ҳузурда».

Ўз.ТВ-4

16.50 «Мультсайера».

18.45 «Кузмунчоқ».

СЕШАҢБА, 20 октябрь

Ўз.ТВ-1

10.05 «Янги алифбони урганамиз».

20.10 «Оқшом эртақлари».

Ўз.ТВ-2

18.05 «Эркатой».

«Мульттомоша».

Ўз.ТВ-3

18.10 «Энди эртақ бошланади».

Ўз.ТВ-4

16.50 «Мультсайера».

Бу ҳафта сизлар учун тайерланган курсатувлар, фильм, мультфильмлар ана шулардан иборат.

Марҳамат, томоша қилинг!

Тоҳир Муллабоев,

Ўзбекистон телевидениеси «Умид» Бош

муҳарририяти гуруҳ раҳбари.



БИЗНИНГ ГИЖДУВОН

Ассалому алайкум «Тонг юлдузи» ижодкорлари! Газетада Бухоро шаҳридаги Фитрат номли мактаб ўқувчиси Анваржон Ҳамидовнинг хатини ўқиб, жуда таъсирландим. Ҳақиқатан ҳам халқимиз азалдан бағри кенг, кўнгли очик, дастурхони сочиқ халк. Ота-боболаримиз кучадан

утиб кетаётган йуловчини ҳам меҳмон қилган. Меҳмоннавозлик — одамгарчилик дея удулганани рост. Анваржоннинг Бухорога хуш келибсиз, деб бошлаган хатини ўқиб, унинг яна иккинчи мактуби ёритилармикан, деб кўп кутдим. Аммо 30 августдан бери «Хуш келибсиз»

саҳифангиз негадир чиқмай қолди. Бухоро бизга узоқ эмас. Сураб суриштирсам Анваржоннинг акаси уйланаётган экан. Туйга борадиган бўлдим. Анваржон билан ҳам яқин танишиб олдим. Туйдан кейин Анвар Ҳамидов келин ойисининг хуш такалуф билан «чойга

ган араб сайёҳи Шамсиддин Ал Муқаддасий Гуждувоний «шаҳар курунишидаги катта қишлоқ» деб таърифлаган. Буюк тарихчи Нар-


шахий ҳам Гиждувонни қишлоқ деб тилга олган. Гиждувон мўғуллар истилоси даврида ҳам мавжуд бўлган. XV—XVI асрлар-

да ёзилган ёзма манбаларда ҳам Гиждувон тилга олиб утилган. Те-мурийлар даврида бизнинг Гиждувонимиз мустақкам қўрғонга эга

марҳамат қилинг, меҳмон, дастурхонга қаранг», — дейишларидан илҳом олиб, яна узи ташкиллаган саҳифани давом эттириш ниятида экан. Мен Анварнинг маслаҳатига кириб узимизнинг Гиждувон ҳақида уз газетамизга ёзгим келди. Ҳозирча бизнинг Гиждувон билан танишиб туринг. Тарихий обидалар, азизлар даргоҳи — қадамжолар ҳақида Анваржон кейинги сонларда хикоя қилади.

бўлган обод шаҳарга айланган экан. Ҳофиз Таниш Бухорий деган тарихчи XVI асрдаёқ узининг Абдуллонома деган асарига Гиждувонни катта бир туман деб таърифлабди. Хулласи калом, дастлаб қишлоқ номини олган Гиждувон жуда кўп йиллик тарихга эга. Гиждувондан машҳур олимлар чиққан. Гиждувоннинг номи олиб юрган миллиат, элат-дошларимиз дунёнинг турли бурчакларида бор десам муболага бўлмайди. Гиждувон кичик қўрғони дегани экан. Гуждувон дегани эса Гужлехон шаклида ҳам бўлиб сердарахт қишлоқ деган маънони англатади. Ҳар иккала тахлил ҳам мен туғилиб усган юртнинг тарихий ва табиий ҳолатига мосдир. Ургутда ҳам Гиждувон деган жой бор. Балки бу Гиждувон Абдуҳолик Гиждувонийнинг ташрифи сабаб қуйилгандир. Чунки буюк зотнинг қабри — Бухорода. Ҳар иккала Гиждувон ҳам тарихий аҳамиятга молик номлар эканлиги аниқ. Бунга қолган аниқликни олимлар кiritишадди.

Алишер БАҚОЕВ,
Гиждувондаги
Алишер Навоий
номли мактаб ўқувчиси



АМИР ОЛИМХОН ХАЗИНАСИ ҚАЕРДА?

Амир хонадонига тегишли хазина ҳақида гувоҳлик берувчи бир ярим олчин (1 метр) қалинликдаги дафтар бўлиб, бу дафтарда аминнинг бобосидан бўён хазинага тўпланган олтин ва кумуш пуллари ҳақида маълумотлар тўпланган эди. 1914 йилга қадар мазкур дафтардаги хазина руйхати тула тафтиш қилинмаган. Бу хазинадан на миллат тараққиёти, на маданий эҳтиёжлар на мамлакат ободончилиги ва саодати йулида бирон ҳисса сарф қилинмаган. Улар тўпланган, йиғилган Бухоро хазинаси эди. Улар миқдори аниқ кўрсатилган эмас.

Бухоро амирлари уз хазиналарини йилдан йилга бойитиб боришга катта эътибор беришган. Бу мақсадда кўплаб солиқлар ва йиғимлар тўпланган. Солиқлар ва йиғимларнинг озгина қисмидангина айрим харажатлар амалга оширилган. Масалан, Эски Бухородаги рус-тузем касалхонаси учун ҳар йили 30 минг сум (қоғоз ақча ҳисобида), рус полицияси ва Бухоро аскарларини сақлаш учун йилига 1 миллион сум маблағ харж

қилинган. Шунингдек, Бухоро амири узи ва сарой аъёнларининг дам олиши, маишати учун йилига 15 миллион сум маблағ сарфланган. Бу ва бошқа сарф-харажатлар асосан халқдан йиғиб олинган йиғимлар ҳисобидан қўпланган.

Бундан ташқари, Бухоро амирининг уз бекликларида ҳам махсус хазиналари бўлган. Масалан, Чоржуй беклигида аминнинг шахсий хазинаси бўлган. Унда 10 пуд олтин (160 кг) ва минг пуддан ортиқроқ кумуш тангалар сақланган. Шу бекликда сақланаётган амир хазинасидаги бошқа қимматбаҳо моллар ҳам 1 миллиард сўмликдан кўпроқ бўлган («Иштирокию» рўзномаси, 193-сон, 1920 й., 19. IX). Инқилобнинг дастлабки кунларидан бошлаб Чоржуй беклигидаги амир хазинаси «Бухоро жумҳурияти бойлигини муҳофаза қилиш комиссияси» ихтиёрига утказилган. Аммо бу комиссия қўлида тўпланган олтин, кумуш, бошқа қимматбаҳо металл ва тошлар бир неча вагонда Рос-

сияга жунатилган.

Бухоро амири чет давлатлар билан олиб бориладиган савдо-сотикдан келадиган даромадларнинг катта қисмини ҳам олтин ва кумуш тангаларга айлантириб, уз хазинасига тўплаган. Масалан, амирликда ҳар йили уртача 1800 минг — 2 миллион дона қорақул тери чет элларга сотилган. Амир хазинасига қорақул тери сотишдан келадиган даромаднинг ҳам 50—60 фоизини олтин ва кумуш тангалар ташкил этган. (Бухоройи шариф» рўзномаси, 32- ва 33-сон, 1912 йил.)

Бундан ташқари, асримиз бошида ҳам Бухоро амирлиги ҳудудида олий сифатли олтин қазиб олинган махсус конлар ҳам бўлиб, улар ута махфий сақланган. Бу конлардан олий сифатли олтин ёмбилар қазиб олинган ва хазинадаги махсус саночларда сақланган.

Хуш, бу хазиналарнинг тақдири нима бўлди? Улар қайда қолди?

Уларнинг кичик бир қисми Бухоро амири Саййид Олим-


хон томонидан чет элларга юбориб турилди. «Қутулиш» рўзномасининг 1920 йил 2 июль сониде «Фуқаронинг молини қочурманглар» сарлавҳаси остида берилган мақолада шундай дейилади: «Савр ойинда Бухородан жаноби олий (амир) Ҳиндистон орқали Лондонга 200 туя қорақул териси юборган. Ушбу терилар билан маълум миқдорда олтинлар, қимматбаҳо нарсалар юборди. Бу қимматбаҳо моллар ва олтинларни Турақул даллол, Қори Мизроб Мирохур, қори Муҳиддин Қоровулбегилар Лондонга олиб кетадилар. Фуқаро молига бўлган бу нарсаларни амир юртдан қочирмоқда». Бухоро амири уз хазинасидаги қимматбаҳо нарсалардан Машҳадга ҳам юбориб турган. 1920 йил июль ойи бошларида Саййид Олимхон 3 туя олтин, 16 туя кумуш, 25 туя қимматбаҳо нарсаларни Машҳадга юборди.

Инқилоб арафасида илгор маҳаллий зиёлилар Бухоро хазинасининг чет элга юборилишига қарши чиққан эди-

лар. Шундай кишилардан бири Абдулвоҳид Мунзим «Қутулиш» рўзномасида (1920 йил 18 июнь сони) босилган мақоласида қуйидагиларни айтади: «Бухоронинг олтин, кумуш, бриллиантлари, қорақул териси ва шунга ухшаш қимматбаҳо нарсаларини кўп миқдорда... Англияга, инглиз банкларига юбормоқдалар. Бухоронинг бойлиги, фақир фуқаронинг ҳақи бўлган хазина ақчалари қўлларингиздан чиқиб кетишига йул бермангиз».

Хуш, бу бойликлар-ку Бухоронинг фақир фуқаросиники экан, Бухоро амири Саййид Олимхон Шуро ҳукумати томонидан бўлаётган хавф-хатар остида хазинанинг атиги бир қисминигина уз ҳомийларига юбориб, инсофсизлик қилган бўлса, инқилобдан сунг амир оморларида сақланаётган олтин, кумуш, бриллиант ва бошқа қимматбаҳо металллар ҳамда қимматбаҳо моллар — Бухоро хазинаси қаерда қолди?

«Бу ҳақда кейинроқ хикоя қиламиз.



ТЕНГДОШЛАРИНГ ИЖОДИ

БЕКЗОД ЖЎРАБОВ — Фарғона шаҳридаги 7 — ўрта мактабнинг 11 — синф ўқувчиси. Бу йил вилоят ижодкор ёшларининг семинар-танловида «Мен ўзбек боласиман» номли шеърини тўплами билан фахрли ўрин эгаллади. Ва ёзда Чимёнда жойлашган Америка — «SOROS» фонди томонидан уюштирилган «LAYNER» иқтидорли болалар дам олиб қайтди. Ўқишини чанқоқлик билан бошлаб юборган Бекзодга — келажакдаги орзу-умидлари рўёбини тилаб эътиборингизга тенгдошингизнинг шеърларидан ҳавола қиламиз.



ГИМНАЗИЯМ

Сентябрь тонгини кутиб
интизор,
Яна мен соғиниб келдим
бағрингга.
Болалик дамларим
ўтган беғубор,
Ниҳоллар мевага кирган
боғингга —
Гимназиям!

Меҳрибон қўллари
бошимни силаб,
Онамдай эркалаб юрган
маконим.
Буюк келажакка
камолим тилаб,
Соғ бўлсин устозим:
Билимга коним —
Гимназиям!

УСНЮЗГА

Устоз,
Доим Сизни ўйласам,
Меҳр билан тўлади
қалбим.
Юрагимда ёнади олов,
Тоғдай юксак
бўлади қаддим.

Отам каби улуг устозим,
Онам каби саҳий,
меҳрибон.

Келажаким,
Янғроқ овозим —

Илмингиздан
бўлар намоён.

МЕН, ЎЗБЕК БОЛАСИМАН

Мен ўзбек боласиман,
Истиқлол лоласиман.
Қиёси йўқ бир бўстон —
Ватаним — Ўзбекистон.

Ислол бобом юртбоши,
Истиқлолнинг қуёши,
Бизга меҳри беқиёс,
Иш тутар мардларга хос.

Шунинг чун элга суюк,
Келажакимиз буюк,
Истиқлол лоласиман,
Мен — ўзбек боласиман!

РАҚС ОЛАМИНИНГ ОҚҚУШИ БЎЛСАМ...

Дурдонани анчадан бери танийман. Андижонда буладиган барча байрамларда у ижро этаётган рақсларни куриб завқланаман. Дурдона сахнада худди оққушдек энгил рақсга тушади. Рақснинг нозик сирларини бунчалар мукамал урганиб ижро этаётган қизалоқни саволга тутдим:

— Дурдона, ҳеч ҳайиқмай, катта-катта сахналарда рақс ижро этасан. Сахнага чиқиш олдида хаяжонланасанми?

— Рости, авваллари чучирдим. Кейинчалик бунга урганиб кетдим.

— Эшитишимча, илк бор рақс сирларини раққоса Малика Аҳмедовадан ўрганган экансан. Ҳозирги кунда кимлар устозлик қилапти?

— Мен аслида Тошкентда тутилганман. Шаҳрихонга кучиб келганимизга унча куп булгани йўқ. Онам рақснинг шайдоси. Шу сабабми, болалигимдан оқ рақс тугарагига, Малика опа Аҳмедова қўлларига топширганлар. Ёшлигимда Малика опадан урганган рақс сирларини ҳозирда Венера Эгапова сабоқлари билан давом эттирмоқламан. Венера опамиз «Шаҳрихон юлдузлари» дастамизни бошқарадилар. «Дунё» гуруҳининг хонандаси Толибжон ака ижросидаги «Лайли», «Малагим», «Навруз яллеси» каби қўшиқларига рақс сахналаштириб, байрам кечаларида қатнашяпмиз.

— Турли рақсларга турли ли-

бослар керак бўлади. Бу масалани қандай ҳал қилаясан?

— Барча рақсларимга мослаб либосларни узим тикаман. Ҳар гал шаҳар болалар мусиқа мактабига борганимда, раққоса қизларнинг либосларига ҳавасим келади. Сунг астойдил чеварликка қизиқдим-да, қуйлақлар тика бошладим.

— Демак, келажакда тикувчи бўлиш орзунинг ҳам йўқ эмас. Шундайми?

— Орзуларим жудаям куп. Энг каттасини айтсам, Малика Аҳмедовадек эл суйган ажийиб раққоса бўлсам дейман...

— Мана, сен ёш раққосасан. Рақс ижроси борасида сени қандай муаммолар қийнайди?

— Биз дугоналарим Шахло, Раънолар билан биргаликда рақс машғулотларига қатнашимиз. Ўзбекистон телевидениесида эфирга узатиладиган «Санъат гунчалари», «Қушигим — жон қушигим» курсатувларига қатнашишни хоҳлардик. Биз дастуримиздаги сахналаштирилган рақсларимиз билан купчиликни завқлантира олишимизга ишонамиз.

Ёш раққоса Дурдона Холиқова билан суҳбатлашар эканман, унинг санъат учун тутилганини ҳис қилиб турардим.

Санъат осмонида бешикаст қанот қоқ, орзулари дурдек Дурдона!

Нилуфар ДАВИДОВА,
Андижон.



ОИЛА — КЕЛАЖАК ҚАСРИСАН

Умидлар туғилар
кошона,
Оила — келажак
қасрисан.
Ватансан —
Муқаддас остона,
Умримиз давоми
асли, сан!

Оила — келажак
қасрисан,
Сендадир буюклар
камоли.
Навоий, Қодирий
наслисан,
Сендадир юртимнинг
жамоли.

НУРИДДИННИНГ МЎЪЖИЗАКОР БАРМОҚЛАРИ

Қўлимдаги самолётчани томоша қиларканман, уни иштиек, кунг билан олдий шохдан ясалганини куриб ҳавасим келди. Бундан ташқари олдимда пластилиндан ясалган турли шаклдаги ҳайкалчалар яна бир нечта самолёт-вертолётлар турарди. Уларни Нуриддин Сирожиддинов, Паркент туманидаги 12-мактаб ўқувчиси яратган.

— Нуриддин, «Тонг юлдузи» ни ўқийсанми? — деб сўрадим энг аввало, чунки уни газетга ёзим келди-да.

— Уқийман, бир мен эмас,

оиламиздагиларнинг ҳаммаси бу газетани севиб ўқийди.

— Сенга ҳайкалчалар ясашни ким ўргатган?

— Узим урганганман. Гоҳида буш пайтларим булади. Шунда вақтни бекор ўтказмаслик учун турли нарсалар ясайман.

— Самолёт ва вертолётларни дарахт шохларидан ясар экансан. Уларни синдириб олаётганимда раҳминг келмайдими?

— Йўқ, мен ундай бола эмасман. Баъзи болалар дарахтларни синдириб, рогаткалар ясашади. Мен эса кесилган дарахтдан, ма-

салан тугдан ясайман.

— Нима учун айнан тутдан?

— Чунки тут шохи қуриганда ҳам синиб кетмайди. Билсангиз, бешиқларни ҳам тут дарахтидан ясашади. Сиз фақат ҳайкалча ясаркан, деманг, мен китоб ўқишни ҳам яхши қураман. Дадамларнинг шахсий кутубхоналари бор, уерда китоблар жуда куп.

— Ҳозир мактабда дарсларга кам қатнаб, кўпроқ пул топши йўлини ўйлаётган, шу мақсадда бозорда кун ўтказётган тенгдошларингизга муносабатинг қандай?

— Бундай болалар йўқ эмас.

Мактабни «сиртқиға» утказиб олиб, бозорда пул топаётган, кучаларда машина юваётган болалар ҳам бунга мисолдир. Ота-боболаримиз «Бешиқдан қабрга-ча илм изла», — деб бекорга айтишмаган. «Бозорчи»лар бир кун келиб. «Нега ўқимадим-а», — деб пушаймон булишлари аниқ.

Мен бу боланинг иқтидорига, фикрлашига, дид билан ишлаётган ҳайкалча-ю самолётларига чиндан ҳавас килдим. Ҳавасимни, ҳайрату қувончимни сиз билан бўлишим келди. Сенингдек болалар кўпайсин, Нуриддин!

Озода
ТУРСУНОБОВА



ТОНГ ЮЛДУЗИ Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ КЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН»
ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ

Бош муҳаррир: Умида АБДУАЗИМОВА

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ:
Жарбон РАЗЗОҚОВ, Гулнора ИУЛДОШЕВА, Хотам АБДУРАЙМОВ, Инқилоб ЮСУПОВА, Дадахон ЁҚУБОВ, Суннатилла ҚУЗИЕВ, Мукаррама МУРОДОВА, Илоят АБДУСОАТОВА, Феруза ОДИЛОВА.

«ЁШ ИҚТИСОДЧИ»
ИЛОВАСИНИ ТАЙЁРЛАГАНЛАР:
Музаффар ПИРМАТОВ,
Равшан ҚАМБАРОВ,
Маҳлиё МИРСОАТОВА,
Гулинора МУҲАМЕДОВА.

IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Оффсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ. Буюртма — Г-0411. 46.496 нусхада босилди. Қоғоз бичими — А-3. Босингга топшириш вақти 19.00. Топширилди — 18.30. Навбатчи Фотима ҚАЙОМХУЖАЕВА

• Руйхатдан ўтиш тартиби № 000137
• Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, Мағбуотчилар кучаси, 32-уй.
• Нашр курсаткичи: № 64563
• Телефон:
• 1-33-44-25
• 1-36-57-91
• 1-36-54-21